

# Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi\_bot

## BO'LANI KALTAKLAB TARBIYALASH TO'G' RIMI?



**Б**ир она ҳеч қачон фарзандини калтакламасликка аҳд қилади. Лекин шунга қарамай, бир куни ўғлини ножўя ҳаракати туфайли жазоламоқчи бўлади. Она фарзандига кўчадан бир нечта чивиқ олиб келишни буюрган. Бола узоқ вақтдан сўнг кўзи ёш билан келган. Фақат кўлида чивиқ эмас, тош кўтариб олган. Онаси ҳайрон бўлиб, тошга қараса, бола йиғлаб: «Чивиқ топа олмадим, лекин мени жазолашингиз учун шу тошни тополдим», деган. Шунда она ушбу ҳолатга боланинг кўзи билан қараган.

«Онам менга оғриқ келтирмоқчи бўлса, нима фарқи бор, қандай йўл билан унга эришадим, чивиқ билан урадим ёки менга тош отадим...» Шунда она йиғлаб юборади. Ким боласига тош ота оларкан? Унда чивиқ билан уришининг тош отишдан нима фарқи бор?

## Tilimiz haqida fikrimiz

### yoxud iddao qilayapmiz, muddao bormi?

**П**ешлавҳалардаги эълонларга қаранг... Хатолар жуда кўп. Саводсизлик сиртмоқ тортиб бораёпти. Шаҳримиздаги лавҳаларга, эълонларга қаранг! Фалончи номдаги кафе (кафе сўзининг ҳам ўзбекча номи бор-ку) ёки ошхона номлари, жамоат жойлар, бинолар пештоқида, турли лавҳа ва рекламаларнинг кўпинча бошқа тилларда ёки мантқиқсиз, тушунарсиз мазмунда ва шаклда акс эттирилаяпти. Таомларнинг номларини айтмаса ҳам бўлади. Оддийгина "мороженое" сўзини ҳам ўзбек тилида "музқаймоқ", "Мы открылись!" ўрнига "Биз очилдик" деб ёзиб қўйсақ бўлмайди. Буни қаранг, "продаётся" сўзлари "сотилади" сўзига қараганда яхши "эффeкт" берармиш. ●4

## Noto'g'ri tarbiyaning "MEVASI"

Қоронғу хона бурчагида тиззасини кучоқлаб ўтирган болакай очликни умуман ҳис этмасди. Киприклари узун, оппоқ юзли қизалоқнинг ҳайрон бўлиб қараб туриши кўз олдидан сира кетмас, хаёлан у билан нималарнидир гаплашарди. Йўқ, у асло бу ишни қилмайди, ҳаммага қилса ҳам уларга қилолмайди. Ҳатто онаси умрбод овқат бермаса ҳам, очидан ўлса ҳам уларга тиланмайди. Шундай ўйлар билан ўтирар экан, бўлиб ўтган воқеалар кўз ўнгида қайта гавдаланди... ●9

## Zarimiz bisyor, zargarimiz-chi?

**И**жтимоий тармоқда бир видео тарқалди: унда хонадон йўлаги ва саҳни бўлса керак, ётқизилган пишиқ ғиштлар оралигидаги бир энлиқкина тупроққа карам, булғор ва аччик қалампир, макка экиб, парваришлайётган, чойнақда суғараётган, эгатлар ораларини вақти-вақти билан суғураётган (ҳашаротлар илашмасин учун бўлса керак), ва ниҳоят, ҳавас қилса арзигули бўлиқ ҳосилни йиғиштираётган оила аъзолари – томорқачилар акс эттирилган. Буни қарангки, улар ҳатто ғиштин деворларнинг ер билан туташган икки сантиметр оралигидаги тупроқда ҳам ҳосил етиштиришибди. Ёнбошлаган ҳолда пишган, узиб олинаётган карамнинг салмоғи ҳайратингизни оширади. Қойил-е! ●6



## Baxtsizlikning boshi — xudbinlik

Иккинчи қизи ҳам ҳақиқий худбинликнинг қурбони бўлди. 18 ёшида онанинг орзу-ҳаваси деб ароқхўр йигитга турмушга чиқди. Ароқхўр йигитнинг худбин онаси туфайли ногирон фарзанд билан уйга қайтиб келди. Ўз боласининг ароқхўрлигидан ор қилмаган қайнона, фарзандининг боласи ногиронлигидан ор қилиб ҳайдаб юбориши ҳам худбинликнинг олий кўриниши. ●8

## MAS'ULIYATLI BO'LIQ ZAMON TALABI



**М**амлакатимизда ободонлаштириш, жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида бар-тароф этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда, вилоятда, туман (шаҳар) ҳамда маҳаллаларда тузиладиган Ишчи гуруҳларининг таркиб-лари, "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" ме-зонлари, Ҳаракатлар режаси, чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Нуронийлар жамоатчилик кенгашларининг хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркам қилиш бўйича аҳолига Мурожаати эълон қилинди.

Шунингдек, хонадон ва кўчаларни обод қилиш ишларини ташкил этиш бўйича вазир ўринбосарлари ҳамда 29 нафар масъул ходимлардан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, жорий йилнинг 9 июнидан ҳудудларга хизмат сафарига юборилди.

Лекин, минг афсуски, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар қониқарсиз ҳолатда, вазирлик томонидан ҳудудларга бириктирилган ходимлар ва ҳудуд раҳбарлари ўзига тегишли хулоса қилмапти.

Жумладан, Бухоро вилояти Бухоро туманидаги "Шергарон", Ромитан туманидаги "Зарафшон", Пешку туманидаги "Қучоқ", Бухоро шаҳридаги "Тўқимачи" маҳаллаларида бирорта ҳам хонадон таъмирланмаган.

Сурхондарёда 64 минг 890 та таъмирталаб хонадонлар мавжуд бўлса-да, жорий йилнинг 19 июнь ҳолатига 12 минг 342 таси ёки 19 фоизи таъмирланганлиги ҳақида маълумот берилган.

Ваҳоланки, Сурхондарё вилояти Қизиқ туманидаги "Янги кент", Ангор туманидаги "Навбахор", "Карвон", Жарқўрғон туманидаги "Пахтазавад", "Жарқўрғон минораси" маҳаллаларида бирорта ҳам хонадонлар таъмирланмаган.

Ёки бўлмаса, Бухоро вилоятида кўчаларнинг 60 фоизи, Сурхондарё вилоятида 24 фоизи таъмирланганлиги тўғрисида маълумот берилган.

Худди шундай, Сурхондарё вилоятида мавжуд 682 та қабристондан 515 таси ёки 75 фоизи ободонлаштирилганлиги ҳақида ҳисобот тақдим этилган.

Тошкент вилояти Чиноз, Оҳангарон туманларида 2 нафардан, Нурафшон шаҳри, Тошкент, Бекобод туманларида 3 нафардан, Бўстонлиқда 5 та, Оққўрғонда 6 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланган бўлса, Янгийўл шаҳрида бирорта ҳам ишсиз аҳоли иш билан таъминланмаган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Навоий вилоятининг Хатирчи, Конимех, Томди туманларида амалга

оширилган ишлар ҳам умуман талабга жавоб бермайди.

2020 йил 19 июнь ҳолатига вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами 72 056 та мурожаат келиб тушган.

Энг кўп мурожаат, Қашқадарёдан 12 010 та, Тошкент шаҳридан 7 985 та Сурхондарёдан 7 419 та, Самарқанддан 7 278 та келиб тушган.

Маъмур ҳудудларда тизимга оид муаммоларнинг кўплиги ва улар ўз ечимини кутаётганлигидан далолат беради.

Энг ачинарлиси, Қашқадарё вилоятида 394 та, Тошкент вилоятида 250 та, Бухоро вилоятида 171 та, Хоразм вилоятида 150 та мурожаатнинг кўриб чиқиши асосиз кечиктирилган.

**Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги матбуот хизмати.**



Жорий йилнинг 16-19 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А.Усмонов бошчилигидаги ишчи гуруҳ иштирокида Қорақалпоғистон Республикасининг 6 та ҳудудида 9 та шаҳар ва туманларни қамраб олган ҳолда сайёр қабуллар ташкил этилди.

## MUROJAATLARNING 71,4 FOIZI JOYIDA HAL ETILDI



Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Э.Боситхонова қатнашган сайёр қабулда 120 нафар фуқаро 133 та масала билан мурожаат этди. Шундан, 69 та масала ижобий ҳал қилинди. Шунингдек, 17 та мурожаатда кўрсатилган масалалар "Обод хонадон" дастурига киритиш ва тегишли сектор раҳбарларига топшириқлар бериш орқали ҳал этилди. Бундан ташқари, 9 та мурожаат юзасидан белгиланган тартибда тушунтириш берилди ва 38 та мурожаат қонунда белгиланган муддатларда ижро этиш учун назоратга олинди, жами мурожаатнинг 71,4 фоизи жойида ҳал этилди.

Сайёр қабул давомида 13 нафар хотин-қиз электро печ, 15 нафар хотин-қиз тикув машинаси, ногиронлиги бўлган 9 нафар хотин-қиз ногиронлар аравачиси ва 1 нафари эшитиш мосламаси ҳамда 9 нафар хотин-қиз уй-жой шароитини яхшилаши учун гилам билан таъминланди.

## XORIJIY INVESTORLAR OLDIDAGI MUAMMOLAR

**М**амлакат иқтисодиётининг тараққиёти бевосита инвестициялар оқимига боғлиқ. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида илгари сурилган гоёларни ҳаётга жорий этиш, мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак муболаға бўлмайди".

Ўзбекистондаги компанияларга инвестициялар киритишни кўриб чиқишда хорижий инвесторлар дуч келади бир қатор муаммолар мавжуд:

Ривожланиш стратегиясининг йўқлиги – йиллик бюджетлар бор, лекин 5–10 йилга мўлжалланган узоқ муддатли тасаввур мавжуд эмас;

Компания юридик тузилмасининг пухта эмаслиги – шу билан бирга, бир неча ўзаро боғлиқ бўлмаган юридик компания умумий бизнес тарихига киради;

Молиявий ёки бошқарув ҳисоботи нотўғри юритилиши – жамланма бошқарув ҳисоботининг мавжуд эмаслиги, шунинг-

дек тасдиқланмаган айланмалар;

Инвестор учун солиқ ва юридик хатарлар мавжудлиги – активлар олди-сотдиси бўйича битимларнинг нотўғри расмийлаштирилганлиги;

Сунъий равишда юқори баҳолаш – қиймат асослануви мавжуд бўлмаганда компания қандай баҳолашни лозимлигини инвестор жуда яхши тушунади;

Корпоратив бошқарув заифлиги – барча бизнес-жараёнлар битта менежерга боғлиқ бўлиб, усли қарорлар қабул қилинмайди;

Уларнинг баъзилари объектив, яъни бевосита компания билан эмас, балки маҳаллий қонунчилик ва умуман, иқтисодиёт билан боғлиқ.

Амалиётда инвестор маслаҳатчини ёллайди, у компанияни учта услуб бўйича баҳолайди:

Ўхшаш битимлар услуби – ўхшаш ўлчамлардаги (тармоқ, йириклик, мамлакат бўйича) компания инвестиция объекти бўлган ҳолат танлангани ва у баҳоланаётган компанияга нисбатан қўлланилади;

Оммавий компаниялар услуби бўйича – фонд биржасида савдода бўлган ўхшаш ўлчамлардаги (тармоқ, йириклик, мамлакат бўйича) компаниялар бўйича статистика йигилади ва у баҳоланаётган компанияга нисбатан қўлланилади;

Дисконтланган пул оқимлари услуби бўйича – компаниянинг беш йиллик молиявий режаси тузилади ва дисконтлаш коэффициентини ҳисобга олганда, ушбу ва кейинги даврларда компания қанча ишлаб топиши ҳисоблаб чиқилади (инвестор учун хатар даражасини белгилوочи фоиз ставкаси).

**Музаффар ТОШПҮЛАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси магистратура босқичи тинловчиси.

# REJASI HAM, ISHI HAM PUHTA

**Мингбулоққа бориб, тadbиркор Мархабохон ҳақида сўрасангиз, у ҳақда илиқ фикрларни эшитасиз. Режалари ҳам, иши ҳам пухта аёл, дейишади кўпроқ. Биз ҳам уни иш устида учратиб, суҳбатлашиб, бу таърифларда муболага йўқлиги ишонч ҳосил қилдик. Келинг, аввало, ҳаҳраманимиз билан яқинроқ таништириб ўтайлик.**

Мархабо Қозоқова 1972 йилда Жомашуй шаҳарчасида туғилган. 13-мактабни тамомлаб, Чуст тиббиёт билим юртида таҳсил олган. 2001-2009 йилларда туман марказий касалхонасининг гинекология бўлимида ҳамшира, катта ҳамшира вазифаларида фаолият кўрсатган.

2010 йилда у ўзидаги яна бир иқтидорни рўёбга чиқаришга аҳд қилди. «Бехруз Мархабо Диёра» хусусий фирмасини ташкил қилиб, тadbиркорликка қўл урди. Бунгачаям у ўзининг пухта режасига эга эди. Жадаллик билан ишга киришди. Тез орада туман марказидаги 50 сотих ерда икки қаватли замонавий кўркам бино қад ростлади. Мархабохонга укаси, тажрибали тadbиркор Валижон йўл-йўриқ кўрсатиб турди.

Бино қурилиши ниҳоялангач, аҳолининг талаблари инobatга олиниб, бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювish шохобчаси, қурилиш моллари савдоси, ошхона, гўзаллик салони, сартарошхона, кафе фаолияти



йўлга қўйилди. Натижада йигирмага яқин иш ўрни яратилди.

— Ўн илдан буён машина ювish хизматида ишлайман, — дейди Ойбек Азимов. — Мархабо опада аёлларга хос меҳрибонлик, зукколик билан бирга, эркакларга хос қатъиятлик, шахд, жасорат бор. Ҳар қандай муаммо қаршида ўзини дадил тутиб, ечим топади. Ҳамжихатликни, ростгўйликни ёқтиради. Шунинг учун бу ерда турли юмушлар билан банд ишчилар бир оиладек қадрдон бўлиб кетишган.

— Шундай тadbиркорлар бор, бинони ижарага бердимиз, тамом, у ёғи билан қизиқмайди, унга ижара пули вақтида бериб турилса бас, ammo Мархабо опа бундай ишламайдилар, — дейди сартарош Хурсанали Собиров. — Деярли ҳар

## 2010 йилда

**у ўзидаги яна бир иқтидорни рўёбга чиқаришга аҳд қилди. «Бехруз Мархабо Диёра» хусусий фирмасини ташкил қилиб, тadbиркорликка қўл урди. Бунгачаям у ўзининг пухта режасига эга эди. Жадаллик билан ишга киришди. Тез орада туман марказидаги 50 сотих ерда икки қаватли замонавий кўркам бино қад ростлади.**

қуни опа иш жойимизга кириб, муаммо бор-йўқлигини сўрайди. Агар бўлса, дарҳол ҳал этиш чорасини кўради. Янги режалар, гоғялар беради. Ҳамма нарса ўз ўрнида, тозалик, гигиена, хавфсизлик — ҳамма қондаларга амал қилинишини талаб ва назорат қилади. Ҳозир карантин шароитида иш биров суллашиб турибди. Тез орада бу маскан яна аввалгидек гавжум жойга айланади.

Дарвоқе, Мархабо Қозоқова ширингина оила бекаси. Турмуш ўртоғи Раҳимбой Қўлдошев ички ишлар тизимида ишлаб, нафақага чиққан. Ҳозир «Раҳима Қўлдошева» фермер хўжалигининг раҳбари. Уларнинг бир ўғил, бир қизи бор. Диёра — НамДУ талабаси, у олийгоҳни тугатиб, инглиз тили фани ўқитувчиси бўлади. Бехрузбек 4-синфда ўқияпти, унинг орзуси — ҳуқуқшунос бўлиш.

Мархабо Қозоқова оғир-босиқ, ўз ўрнида тиниб-тинчимайдиган аёл. Ҳозирда тadbиркорлик субъекти жойлашган худуднинг қарама-қарши томонидан яна ер сотиб олди. Бу ерда ҳам икки қаватли бино қад ростлаяпти. Тез орада бино хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларига ижарага берилади. Бу ташаббус орқали яна 25-30 та янги иш ўрни яратилади.

Мингбулоқнинг бу серҳаракат аёлининг фаолиятига сермаҳсуллик тилаб, у билан хайрлашар эканмиз, унинг яратувчилик ниятидаги ишлари бароридан келишини чин дилдан ният қилдик. Чунки биргина тadbиркор саъй-ҳаракати ортида юзлаб инсонлар, оилалар иқтисоди, тақдирини ётади.

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**  
Наманган вилояти.

# YANGI TIZIMNING TALABI NAM YANGISINA



**Маҳалла азалдан жамиятнинг таянчи бўлиб келган. Одамларнинг дарди ҳам, қувончи ҳам, ташвишли ва яхши кунни ҳам унда кечгани боис ҳаётимизда маҳалла бир оиладек аҳамият касб этади. Ammo кейинги йилларда маҳалладаги ана шундай муштаракликка, аҳилликка, бир-бировининг ҳолидан хабардорликка бировз путур етгандек эди.**

Жумладан, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўнгилдагидек натижага эриша олмадик. Бу борадаги профилактик тadbирлар баъзида, тан олиб айтишимиз керакки, қоғозлардагина акс этди. Муаммолар ечимини бир нуктада экани англанди-да, ҳамкорлик масаласида бировз оқсалди.

Энди иш ҳам, ишлаш тизими ҳам бутунлай ўзгарди. Талаб бошқа, тартиб ҳам. Президентимизнинг шу йил 18 феврал кунини «Жамиятда ижтимоий-оилавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида эндиликда маҳалла, профилактика инспектори, оила масъулларининг бир яхлит тизим остида қайта иш бошлаши бугунги кунда маҳаллада йиллар мобайнида тўпланиб қолган

муаммоларнинг ечим топишига асос бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг юқоридаги фармони биноан профилактика инспекторларидан бошқа давлат органлари ваколатларини тақдорловчи 13 та ортиқча вазифа олиб ташланди. Профилактика инспекторлари 5 йил муддатга тайинланиши ва бошқа имтиёзлар соҳа ходимларининг ўз ишига иштиёқини оширди. Албатта, энди шу эътиборга муносиб бўлиш учун профилактика инспекторлари ва маҳалла раисларининг ҳамкорликдаги ишларини «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туманимизда жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида туманда ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлигини таъминлаш, диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларига қарши кураш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Антитеррор-тозалаш», «Қорадори», «Давомат» каби қўллаб-қувватлаш тadbирлари ўтказилди. Натижада жиноятнинг оғир турлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71,4 фоизга, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятларнинг 6,7 фоизга камайишига эришилди. Йил бошидан буён қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, безорилик, баданга оғир ва енгил тан-жароҳати етказиш каби жиноятлар содир этилмади.

Жиноят содир этиши мумкин бўлган шахслар, яъни муқаддам судланганлар, пробация ҳисобидagi шахслар ҳар бирининг ижтимоий ҳолати ва маънавий муҳити тўлиқ ўрганиб чиқилмоқда. Айнан жиноят содир этишга мойил бўлганлар ажратиб олиниб, уларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича тегишли му-тасадди ташкилотлар билан биргаликда бандлиги таъминланиб, ижтимоий ҳаётга мослаштириш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан ҳам манзилли тартибда ишланиб, тиббиёт бўлимлари билан ҳамкорликда мажбурий даволаш чоралари кўриляпти.

Афсуски, жорий йилда оила-турмуш доирасида 53 та ҳуқуқбузарликлар содир этилди. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди, кенг жамоатчилик асосида маҳаллада таъсирчан муҳомама ўтказилди. Келгусида жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактик ҳисобга олиниб, яқка тартибда манзилли профилактик ишлар олиб борилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг 27 нафарини бандлиги таъминланди. Уларнинг 7 нафари ҳунарга йўналтирилган бўлса, 14 нафари корхона ва ташкилотларда иш бошлади, 9 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди.

Вояга етмаганлар билан иш олиб бориш ҳам доимий эътиборимиздаги масала. Бу борада тумандаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бор ўқувчилар рўйхати шакллантирилди. Улар билан мунтазам профилактик тadbирлар олиб бориляпти. Бу каби болалар билан дўстона суҳбатлашимиз, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига шароит ва имконият яратиш беришимиз ўзининг кутилган самарасини берапти.

Қобилжон ҚУРОЛОВ,  
Мингбулоқ тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосари.

**Ў**збек тилига давлат тили мақоми берилганига кўп йиллар бўлганига қарамай, ҳали ҳам шаҳримизда хорижий тилга сиғиниш кучли. Соҳамиз бўйича кўплаб ташкилотларга мурожаат қиламиз. Шаҳримиздаги йирик ОКМК, “Аммафос-Махам” АЖ, “Иссиқлик манбаи” каби қатор корхоналарда хат-ҳужжатлар асосан рус тилида юритилди. Оғзаки мулоқот жараёнлари ҳам рус тилида олиб борилади.

Йиғилишларда кўп бўламиз, агар икки-учта русийзабон миллат вакиллари бўлса, албатта рус тилида гапирилади. Миллатчилик қилмоқчи эмасмиз, шу юртда яшайптими, тилимизни, урф-одатимизни ҳурмат қилишсин, ўрганишсин, Тўғри, тил билган яхши, фақат ўзимизни “билимли” қилиб кўрсатиб, на рус тилида, на ўзбек тилида чиройли гаплашишни, сўзларни ўрнида қўллаб билмасак, бу бизнинг фожеамиз эмасми?!

Жумладан, давлат бошқаруви, замонвий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва қайси соҳа бўлмасин, давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришолмаймиз.

**Пешлавҳалардаги эълонларга қаранг...**

Хатолар жуда кўп. Саводсизлик сиртмоқ тортиб бораёпти. Шаҳримиздаги лавҳаларга, эълонларга қаранг! Фалончи номдаги кафе (кафе сўзининг ҳам ўзбекча номи бор-ку) ёки ошхона номлари, жамоат жойлар, бинолар пештоқида, турли лавҳа ва рекламаларнинг кўпинча бошқа тилларда ёки мантқиқсиз, тушунарсиз мазмунда ва шаклда акс эттириляпти. Таомларнинг номларини айтмаса ҳам бўлади. Оқ-дидгина “морозено” сўзини ҳам ўзбек тилида “музқаймоқ”, “Мы открылись!” ўрнига “Биз очилдик” деб ёзиб қўйсақ бўлмайди. Буни қаранг, “продаётся” сўзлари “сотилади” сўзига қараганда яхши “эффект” берармиш.

Хамшаҳарларимиздан бири, “Нима учун рус тилидаги телеканалларни ўзбек халқи молиялаштириши керак? Нега Россияда ўзбекча телеканал у ёқда турсин биронта кўрсатув ҳам йўқ? Нега ҳукуматнинг асосий ташвиқотини амалга оширувчи, яъни миллатнинг асосий “Ўзбекистон” телеканалда “Ахборот” рус тилида ҳам бор. Мабо-до, сиз ОРТ да “Новости”нинг ўзбекча талқинини тасаввур қила оласизми?”- деган мулоҳазаларни билдиради.

Нодавлат телеканаллари деймиз,

# TILIMIZ HAQIDA FIKRIMIZ

yoхud iddao qilayapmiz, muddao bormi?



**Бу номлар тилимиздан қачон йўқ бўлади?**

Ўрганиш натижаларига кўра, шаҳримиздаги айрим маҳаллаларда кўчаларга ном бериш, қайта номлаш масалалари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани бор гап. Хусусан, 51 та МФИ-даги 352 та кўчалардан 30-40га

давлат телеканалларида ҳам соф ўзбек адабий тилини бузиб, шевада, хорижий сўзларни аралаштириб, сўзлаши кишини гашига тегади. Бу эса мутахассислар эмас, аксарият ҳавасмандлар ё бўлмаса, кўшиқчи, актёрлар томонидан тайёрланаётган кўрсатувларда яққол намоён бўлмоқда.

**Хорижий тил атамаларидан фойдаланиш ўзбек тилини бойитадими ёки бузадими?**

Хоҳлаймизми, йўқми, техника, тараққиёт ривожланиши билан янги-янги сўз ва иборалар, атамалар тилимизга бўлмаса ҳам сўзлашиш услубимизга кириб келяпти. Масалан, ижтимоий тармоқларда бугунги кунда кўплаб учраётган “челленж”, “лайк”, “линк”, “смайл”, “ок” каби бир қанча сўзлар ҳаётимизнинг мазмунига айланаб улгурди. Бунга жиддий эътибор бериш лозим. Чунки ўтган асрда кашф қилинган кўп атамаларнинг таржимаси ҳаётга татбиқ қилинди. Айримлари қутилгандек натижа бермади. Мисол учун, самолёт сўзини тайёра, аэропорти тайёрагоҳ дедик. Халқ эса буни истеъмол доирасидан четда қолдирди. Бу каби нуқсонлар ҳам ўзбек тилининг савиясининг ошишига тўсиқ бўлиши, табиий.

яқин кўчаларнинг номлари такрорий эканлигини, масалан, “Мустақиллик” ва М.Улуғбек МФИларидаги “Бирдамлик” кўчалари, ёки “Кўрпасой” ва Сўфи Оллоёр маҳаллаларидаги кўчалар “Тотувлик” дея номланишини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, Наследова, Пр Иванова, Бабушкина, Поклонский, “АГМК 50лет” “Горский”, “Московский” Есенина, Епишина каби эски, совет давридан қолган номлар ҳалигача сақланиб қолганлиги “Радуга”, “Космос”, “Телеграф”, “Горизонт”, “Нижний терасса”, “Китайский стена” каби ҳудудий жой номларини тилимиздан чиқара олмаётганлигимизни гапирмаса ҳам бўлар экан. “Чамбил” МФИ ҳудудидаги “Жумҳурият” кўчаси, 5/2 кичик ноҳиялари номларини қайта номлаш бўйича ҳужжатлар ўз вақтида эътиборга олинмаганлигини таъкидлаш мумкин.

**Амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди**

Сўнги уч ой ичида давлат тилини ривожлантириш бўйича ҳукуматнинг 5 та қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Абдулла Арипов раислигида кўча ва аҳоли пунктларини номлаш, пешлавҳалар, реклама ва эълонларнинг давлат тилида берилиши сингари масалалар муҳокамасига

бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди.

– Ўшанда тил масаласига, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги маъқеи ва нуфузини тубдан оширишга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзлари жиддий эътибор қаратаётгани қайд этилди, – дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Абдурашид Ўтапов. – Хаттоки, маҳалла, кўча, корхона, ишлаб чиқарилган маҳсулотга, керак бўлса, фарзандларига ўзбек халқи тарихи, маданияти ва маънавиятига зид бўлган номлар қўйилаётганига яъни, “Биз бу ҳолатларга бефарқмиз, худдики табиий ҳолдек, фақат кузатиб турибмиз холос. Хўш, ҳурматли раҳбарлар, қачонгача бу аҳвол давом этади?!” дейилганди қатъий эътирозлар билан.

Уч ойдики, шаҳримизда бу борада амалий ҳаракатлар бошлаб юборилганлигини айтиш мумкин. Шунингдек, кўчалар номларини мувофиқлаштириш бўйича кўшни давлат билан чегарадош “Терекли” маҳалласидаги 4 та кўча номлари- “104 пикет” кўчасини “Мустақиллик”, “105 пикет” “Терекли”, “Школьная” кўчасини “Регистон”, дея ўзгартириб “Янгибод” кўчасини ўз номида қолдириш таклифлари қўллаб-қувватланди. Юқорида қайд этилган рус тилида номланган кўчалар ҳамда Абдулла Қодирий МФИдаги “Қоратог” 1,2-дахалар номланишида ҳам фикрлар билдирилди.

**Хулоса ўрнида...**

Тилимизда бир-бирдан чиройли, маънолари кенг сўзлар кўп. Қолаверса, ҳар бир маҳалланинг, кўчаларнинг тарихи, иқлимнинг акс эттирадиган ном қўйиш мумкин-ку?! Шунингдек, ҳукумат раҳбари жойларни номлаш нозик масала эканлигини, бунга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини қайд этиб, мутасаддиларни бу соҳада қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишга чақирди.

Она тилимизнинг софлигини сақлаш, талаффуз меъёрларидаги чалкашликларга барҳам бериш ва она тили таълими борасида бажаришимиз зарур бўлган ишлар, эгаллашимиз лозим бўлган билим, малака, кўникмалар ҳам анчагина. Биламизки, ўтган асрнинг бошларида, вазият нечоғлик қийин даврда, чоп этилган миллий нашрларимизда маърифатпарвар боболаримизнинг она тилини муҳофаза қилиш йўлида курашган. Шундай экан, ўзбек тилига эътибор учун ҳар биримиз масъулмиз, унинг таълими замирида ҳам шу масъулиятни кучайтириш вазифаси туради.

**Марғуба СУЛТОНОВА,**  
Опмалиқ шаҳри.

**Б**етакрор сўз санъаткори, заҳматқаш адиб Саид Аҳмад асарлари теранлиги ҳамда бадиий юксаклиги билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, гўзал романлари, ранг-баранг қисса ва ҳикоялари ва сахна асарларидаги умр манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги ва халқчиллиги билан адабиёт муҳлисларининг меҳрига сазовор бўлган.

Адиб таваллуднинг 100 йиллиги муносабати билан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида “Саид Аҳмад — бетакрор сўз санъаткори”

## “SAID AHMAD – BETAKROR SO‘Z SAN‘ATKORI”

мавзусида хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, шоир Минхожиддин Мирзо, марказ мутасаддилари, таниқли адабиётшунос олим, таржимон Адхамбек Алимбеков, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов, бир гуруҳ тадқиқотчи ҳамда Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Саид Аҳмаднинг ҳаёт ва ижод йўли, асарларидаги ҳақиқат манзаралари ва инсоний кечинмаларнинг ёрқин ифодаси хусусида сўз борди.

**Мукаррам АЗИЗ,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.



# ILM VA HAYOTDA YELKAMA - YELKA

Ҳадиси шарифда "Бешиқдан то қабргача илм ўрган", "Илму ҳунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганишлар" деган дунёвий ҳикматлар бор. Умри ва катта ҳаёт йўлини илм-фанга бағишлаб, элга билим, зиё тарқатиб келаётган инсонлардан бири – 70-баҳорини қарши олаётган Дилбар Исоқова моддий бойлик қўлдан кетса ҳам, илм-ҳунар ҳамиша инсон билан қолишини чуқур англайди.

Дилбар опа ҳозирги ЎЗМУ (собик ТошДУ) университети биология-тупроқшунослик факультети зоология ихтисослигини 1972 йили битирган. Ҳайвонот оламининг ўзига хос мураккаблиқларини ўрганувчи зоология илми ёш мутахассисни ЎзФА тасарруфидаги зоология ва паразитология институтига етаклади.

– Менда паразитология соҳасини ўрганишга, тадқиқ қилишга қизиқиш катта эди, – дея эслайди Дилбар опа. – Юртимиз паразитофаунаси жуда бой. Қишлоқ хўжалиги ва уй ҳайвонлари гельминтлари морфологияси, биологияси ва экологиясини институтнинг етакчи мутахассислари кўмағида маълум муддат ўрганиб, кейинчалик, 1982 йили Қўрағондаги собик паррандачилик техникумида педагогик фаолиятимни давом эттирдим. 1986 йилда Санкт-Петербург шаҳридаги ветеринария институтида "Ветеринария паразитологияси" бўйича ўқув курсини тамомлаб қайтдим. Мен билан ҳамisha ёнма-ён, сафдош, қўллаб-қувватловчи инсон – турмуш ўртоғим, биология фанлари доктори, академик Жалолиддин Азимов зоология илмининг менга номаълум жиҳатларини ҳамisha ўргатиб, бу соҳадаги янгиликлардан бохабар қилиб келмоқда. Уйимиздаги китоб



жавони ана шу соҳага оид катта-кичик, юмшоқ ва қаттиқ муқовали юзлаб илмий адабиётларга тўла. Ҳар бир асарнинг ўз тарихи бор. Варақласак, узоқ ўтмиш, қадрдон инсонлар, қайсидир воқеалар кўз ўнгимизда жонланади.

Умр бўйи изланувчи, мутлоа қилувчи, янгилик яратишга мойил қатлам – зиёлилар хонадонини, одатда, ана шу тоифага мансуб кишиларнинг манзил-макони, дийдорлашув масканига айланади. Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани "Подшобог" маҳалласида истиқомат қилиб келаётган хонадон соҳибларининг турмуш курганига 45 йил тўлди. Йиллар мобайнида ушбу жуфтлик ҳаётида бир-бирига нисбатан илиқ ва самимий муносабат шаклланиши оила бошлиғи, таниқли академик Жалолиддин Азимовнинг куйидаги сўзларидан ҳам англаш мумкин:

– Аввал фан номзодлиги, сўнгра

докторантура босқичида кўп ийлар изландим, гўё нина билан қудуқ қазидим. Ўқиб-ўрганиш, изланиш, тадқиқ этилаётган лойиҳанинг мазмун-моҳиятини юзга чиқариш осон бўлмаган. Толиққан пайтларимда рафиқам Дилбархон "Сабр таги сариқ олтин, ёқлаб олишингиз керак", дея менга руҳий-маънавий жиҳатдан далда бўлган. Иссиққона чой ёки буги чиқиб турган қаҳвани ширин табассум билан келтириб қўйса, чарқоқдан, ҳафсаласизликдан асар ҳам қолмасди. Аллоҳга беҳисоб шукр, машаққатлар ортада қолди. Чеккан заҳматларимиз маҳсули – илмий даража, обрў-эътибор, мартабага эришдик. Юзлаб шогирдларимиз бор, уларга маслаҳат, йўл-йўриқ беришдан эринмайми.

Олманинг тағига олма тушар экан. Жалолиддин Азимов ва Дилбар Исоқованинг қизи Феруза ота-онасидан "ранг" олди, ҳислат олди, улардек

бўлишга интилди. Феруза ота-онаси ҳақида фахр-ифтихор билан шундай дейди:

– Оиламиз муҳитида илм-фан қадрланган. Ота-онам умр бўйи зоология билан шуғулланиб келади. Улар нафақат илмий фаолият, балки шахсий ҳаётда ҳам доимо ёнма-ён. Ҳаттоки, даволанишни, чет эл сафарими, тўй-маъраками, бирга кетишади. Онам ҳамisha отамнинг иссиқ-совуғи, кайфияти билан қизиқади, ҳеч қачон у кишига бефарқ бўлмаган. Шунинг учун ҳам отам илмий даражаларнинг барчасига эришди. Онам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури – "Биологик хилма-хилликни сақлаш: миллий стратегия ва ҳаракат режаси"ни тайёрлашда фаол иштирок этган ўзбекистонлик етук мутахассислардан бири. Мен ҳам келажакда улардай китоб ёзмаман, илм-фан билан шуғулланаман, деган истак туфайли онам ўқиган университетга ҳужжат топширдим. Яхши ният – ярим давлат экан, мана, ота-онамнинг изидан кетиб, уларга ҳавас қилиб, кам бўлмадим. 2011 йил биология фанлари доктори илмий даражасига эришиб, ота-онамнинг ишончи ва дуоларини оқладим. 2018 йилда эса яна бир илмий поғона – профессорлик даражасига эришиш nasib этди.

Бир инсоннинг 45 йиллик умри оз муддат эмас. Бу йиллар орасида қаҳрамонларимизнинг бошидан нималар ўтмади, дейсиз? Машаққат, роҳат, қувонч, қайғу... Барча синовларни биргаликда енгиб ўтишди. Зеро, эрхотиннинг шодлик-қайғуни биргаликда татиши уларни турмуш деб аталмиш улкан дошқозонда тоблайди, пишитади. Умр эса, аслида шуниси билан тотли ва мазмунлидир.

**Хулқар КУЗМЕТОВА,**  
журналист.

**Аслида буни ёзишни, ёки кимгадир ҳаётимни дoston қилишни истамагандим... лекин, шу бугун айтгим келди, Она дуосининг кучи ҳақида ҳамма билишини, оналарининг қадрига етишини чин дилдан истадим.**

Ўтган йили январь ойи соғлигимда муаммолар пайдо бўла бошлади, шифокорларга кўриниб, қанча даволаниш чораларини кўришга қарамай, фойдасини сезмасдим, кун сайин руҳий ва жисмоний аҳволим ёмонлашиб борарди. Тошкент шаҳридаги "Шифо нур" кўп тармоқли хусусий клиникасида ўтказилган тиббий текширувлар, таҳлил натижалари мени эсанкиратиб қўйди. Таҳлил натижалари томоғимда "нимадир" бор ва бу фақатгина операция қилиб олиниши, кейин эса уни "экиб", "злокачественные" ёки "доброкачественные" эканлигини айтиш мумкинлиги ҳақидаги хабарни эшитиб нима қилишимни билмай қолдим. Шифокорлар томоғимда ривожланган жисм овоз пайчаларининг ёнгинасида бўлгани учун, операциядан кейин овозимни бир умрга йўқотиш тахмини борлигини айтганида умуман, шокда эдим. Тиббий текширувлар, шифокорлар билан бўлган суҳбатларнинг ҳеч бирида онам мени ёлғиз қолдирмадилар. Улар менга шундай дегандилар: "Қизим, Аллоҳнинг шундай ваъдаси бор: онани фарзанди учун дуога очилган кўллари ни қуруқ қайтармайман, ижобат қиламан! Мен сен учун ҳар куни, ҳар лаҳза дуо қиламан, меҳрибон эгам ўз ваъдасини бажаради, умидворман дедилар". Қанчалик оғир бўлмасин, кўз ёшларини ичига ютдилар...

## ОНА ДУОСИНING KUCHI...



**Онам ўзини тута олмадилар, мендан 30 кун давомида яширган кўзёшлари томоғига тикилиб турган экан шекилли, ортиқ тийиб тура олмадилар, узоқ йиғладик.... Шундан сўнг, яна ишонч ҳосил қилиш учун шифокорлар буюрган барча текширувлардан ўтдим ва аввало, Яратган эгам, эҳтимол онажонимнинг дуолари билан ҳамма текширувлар яхши натижаларни кўрсатди...**

Шифохона остонасидан чиқиб кетарканмиз, врач бизга Эндокринология институтида танага дори юбориб

синчиклаб текширув ўтказадиган аппаратга тушишим ва операциядан олдин ўсимтанинг аниқ ўлчамларини билиш лозимлигини айтди. Эндокринология институтига бордик. Текширув ўтказадиган шифокор 1 ойдан кейин текшириб беришини, текширувдан олдин инсон танасига юбориладиган махсус дори воситаси Россиядан келишини, буюртмани эса 1 ойдан кейин олишини айтди. Текширувга биринчи бўлиб ёзилдим.

Бир ой, бу 30 кун дегани... ўтган ҳар бир кунимнинг ҳар лаҳзаси минг хил хаёллар домига тортарди. Онам бир кун ҳам олдимдан кетмадилар, ибодатларида ҳам, турса ҳам, юрса ҳам, гоҳ пинҳона, гоҳ ошқора тинимсиз дуо қилдилар... Шундай кечаларнинг бирида, тунда онамнинг йиғи аралаш овозини эшитдим, онам ўз умрлари ҳисобига Худодан менга умр сўрадилар. Дахшатга тушдим.

Ҳозир шуларни ёзаяпману муштиллар онамга ўша вақтлар осон бўлмаганини ҳис қилапман. Бир ой ҳадиқ, хавотир, ваҳима, қайғу, кўз ёшлар билан ўтди... Овозимни йўқотишим мумкинлиги, бошқа қўшиқ айта олмаслигим (болалигимдан мактаб, олийгоҳ тадбирларида қўшиқ айтардим), албатта, дарс ҳам бера олмасдим агар шундай бўлса... деган хавотирли уйлар билан ўша кунлар жуда оғир кечди, онам мени ўйларди, мен эса икки қизимни, гўдақларимни...

Хуллас, 2019 йил 12 февраль... соат 10:00, мен текширувга кирдим, юрагим

ёнаётгани гўё! Врачлар қайта қайта текширарди, орада яна бир айланиб келинг, ярим соатдан кейин яна бир кўрамиз дейишди, хуллас, шу тарих соат 14:00 га қадар ярим соатлик та-наффуслар билан 4 марта қайтадан текширишди, онам кўзларида илмич билан шифокорларга: "ниманидир яширяпсизларми, очигини айтинглр, илтимос", – деди. Шифокорлар эса: "биз ҳайронмиз ҳеч нарса йўқ, кўринмади, олдинги таҳлил натижалари билан қайта солиштириб такрор-такрор текширдик, энди операцияга ҳожат йўқ..." дейишди.

Онам ўзини тута олмадилар, мендан 30 кун давомида яширган кўзёшлари томоғига тикилиб турган экан шекилли, ортиқ тийиб тура олмадилар, узоқ йиғладик.... Шундан сўнг, яна ишонч ҳосил қилиш учун шифокорлар буюрган барча текширувлардан ўтдим ва аввало, Яратган эгам, эҳтимол онажонимнинг дуолари билан ҳамма текширувлар яхши натижаларни кўрсатди... Таҳлил ва тиббий текширув натижаларини ўтказган, такрор ўтказган ва мени операция қилиши керак бўлган шифокорларни ўзи ҳам қайратда эди... Азиз замондошим, агар онангиз ҳаёт бўлса, асраб-авайлаган, вафот этган бўлса ҳақларига дуо қилин! Чунки, онангизнинг кафтларида сиз учун, бахтингиз учун, ишларингиз ва саломатлигингиз учун Худодан ўтгани сўраган илтижолари, дуолари бор!

**Шаҳноза ТАЙЛАКОВА.**

# ZARIMIZ BISYOR, ZARGARIMIZ-CHI?

Ижтимоий тармоқда бир видео тарқалди: унда хонадон йўлаги ва саҳни бўлса керак, ётқизилган пишиқ гишлар оралигидаги бир энликкина тупроққа карам, булғор ва ачиқ қалампир, макка экиб, парваришлаган, чойнакда сугораётган, эгатлар ораларини вақти-вақти билан супураётган (хашаротлар илашмасин деб) ва ниҳоят, ҳавас қилса арзигулик бўлиқ ҳосилни йиғиштираётган оила аъзолари – томорқачилар акс эттирилган. Буни қарангки, улар ҳатто гиштин деворларнинг ер билан туташган икки сантиметр оралигидаги тупроқда ҳам ҳосил етиштиришибди. Ён-бошлаган ҳолда пишган, узиб олинаётган карамнинг салмоғи ҳайратингизни оширади. Қойил-е!

Тўғриси, шу тасвирларни кўрмагунимча, томорқачиликда ўзбекка етадигани йўқ, деб юрарканман. Боиси, болалигимдан деҳқонгина отамнинг миришкорлигидан рўзгор учун жами сабзавоту резаворлар томорқамизда етиштирилди. Энг юксак даражадаги деҳқончилик, соҳибкорлик маданиятига амал қилнарди. Экинларнинг жойлаштирилиши, парвариши, дарахтларнинг шаклу шамойили ҳавас қилгулик бўларди. Кўрганлар каттагина ҳовлимизда пишадиган гилос, шафтоли, ўрик, то баҳоргача сақланадиган олма, узум, беҳиларнинг таърифини ҳозиргача келтиришади. Бу анъана кейинги авлодда ҳам давом этяпти.

Аслида томорқачиликда болаликдан кўриб улгайганларим мўъжиза эмас экан. Кетмон сопини суқиб қўйса, гуллаб кетадиган мўл-кўл бу зар тупроқда унинг қадрини билган заргарга ҳосил етиштириш оддий ҳолат бўлган экан. Мўъжизани эса гишт устида ҳосил ундира олган хитойликларда кўрдик. Хизмат сафари билан Хитойда бўлганимизда, деҳқонлар май ойи ўрталарида тарвуз-қовунларни пишириб, бозорга олиб чиққан эканлар. Ушанда элчихонамиз вакиллари бу маҳсулотлар иссиқхоналарда етиштирилишини айтишганда, шундай қилса ҳам бўларканда, деб ҳайратлангандик.

Тўғри, бизда ҳам томорқачилик бундан ўн ...беш, ҳатто бир-икки йил аввалгига нисбатан кескин ривожланиб кетди. Яқин ўтмишда ҳам томорқасида чорва ҳайвони учун беда, маккажўхори

етиштирадиганлар кўпчиликин ташкил этарди. Ҳатто шунинг удасидан чиқмайдиганлар ҳам бўларди. Президентимизнинг аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича қабул қилган фармон ва қарорлари, маҳалла тизимида томорқалар ҳолатини таҳлил этиб, амалий ёрдам кўрсатадиган, мониторинг юритадиган масъул лавозимлар жорий этилгани ўз самарасини кўрсатмоқда. Эндиликда томорқаларини хазиналар сандиғига айлантира олганлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез кўряпмиз, ў к и я п м и з . Ҳатто Ўзбекистонимизда ҳам на фақат помидор, бодринг, қалампир, лимон, мандарин, резаворлар, сабзавот кўчатлари, балки тарвуз-қовунларни ҳам иссиқхоналарда етиштиришга киришилганини кўриб, яхши тажрибанинг қаноти борлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Бутун дунё коронавирус пандемиясидан азият чекаётган, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг глобал муаммо бўлиб турган пайтда уни ҳал этишнинг асосий манбаларидан бири тупроғи зар мамлакатимизда томорқалардан унумли фойдаланилмоқда. Шунинг



учун ҳам давлатимиз раҳбари тез

ўтказаётган видеоселектор йиғилишларида бу масалага алоҳида тўхталиб, томорқалардан икки-уч марта ҳосил олиш тажрибаларда ишботланяпти. Йиғилишда таъкидланганидек, миришкор томорқачилар 8-10 сотихли ерлардан 50-60 ҳатто 100 миллион сўмгача даромад қилаётган, оиласи фаровонлигига эришиб, юртимиз дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшаётган бир пайтда, айрим хонадонларда томорқасидан ҳатто рўзгори учун зарур маҳсулотлар етиштиролмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шунча шароит ва имкониятлар яратиб қўйилган бир пайтда томорқасини гуллатишга бел бойламаган одамни Аллоҳ ҳам хуш кўрмайди, албатта. Ҳозиргидай пандемия шароитини мустасно этганда, тўрт мучаси саломат одамлар яшайдиган хонадонларда камбағалликка юз тутиб, кимдандир ҳайру эҳсон кутиш инсофсизликнинг ўзгинасидир. Қўлоғи бутун, кўзи кўриб, ақли ишлаб, иштаҳаси тортиб турган одам фақат дангасалик ортидан камбағаллик гирдобига тушиши икки карра икки тўртдек ҳақиқат. Юрт отасининг ташаббуси билан

камбағалликни қисқартириш бўйича кенг кўламада ҳаракатлар бошлаб юборилди. Бу ҳаракатлар рўёбига асос бўлувчи ризқ-рўзимиз манбаи хонадонимизда, томорқамизда ҳам сизу бизнинг меҳнатимиз, ҳеҳримиз, ғайратимизга муштоқ бўлиб турганини ҳис қилсак, уни гуллата олсак, одамлик рутбасига монанд иш қилган бўлаемиз.

– Икки сотихли иссиқхонамизга оиламиз аъзолари билан меҳримизни бериб қилаётган меҳнатимиз ортдан фаровон турмуш кечиряпмиз, маҳсулотларимиз билан бозорлар тўкинлигига ҳисса қўшяпмиз, – дейди томорқасидан ҳаммиша омилкорлик билан фойдаланадиган Комилжон Мамадалиев. – Яратиб берилган имкониятлардан келиб чиқиб, уни тўрт сотихга кенгайттирдик. Яна кўшнимиз билан келишиб, унинг томорқасига ҳам иссиқхона қурдик. Мақсадимиз бошқалар ҳам одам меҳнатдан қочмаса, томорқанинг ўзидан ҳам катта даромад эгаси бўла олишини исботлаш.

Қўштепа туманида бундай томорқачилар сафи кенгайиб боряпти. Улар меҳнатдан келган бойлик турмушни чиройли қилишини яхши биладилар, пандемия офатидан қутилаётган инқирозларни ҳам ҳис қила оладилар. Бугунги вазият томорқаларнинг ҳам ҳар қаричидан самарали фойдаланишни таъзао этяпти. Акс ҳолда озиқ-овқат тақчиллиги йўлига ғов ташлаш янада мушкуллашиб кетади. Шу маънода мамлакатимизда томорқасидан тўри фойдалана олмаётганлар дастлаб оғохлантирилиб, кейин давлатнинг мулкчи умрини беҳуда ўтказганлиги учун уларга ер солиғи ставкасининг оширилиши, ўрни келганда, жаримага тортилиши жуда адолатли тўхтам бўлди.

Бизни едириб-ичириб, кийдириб, юрдириб, табиат гўзалликларидан баҳраманд этиб, бошпаналаримизга макон бўлиб, пировардида ўз бағрига оладиган тупроқни бежиз она замин, деб атамаймиз. Зеро, у онамиздек азиз ва муқаддас. Яратган бизга тупроғи зар юртни ато этиб қўйган экан, ҳар мисқолининг моҳир заргари бўлолмаслик бу, ношукурликдан бошқа нарса эмас. Эл-юрт, дунё бошига мусибат тушиб турган бир пайтда томорқамизнинг бирор қаричи умрини беҳуда ўтказмаслик, ундан икки-уч бора ҳосил олишга интилиш иймони бут, виждони уйғоқ ҳар бир инсоннинг ишидир. Гишт устида ҳосил етиштираётган хитойлик томорқачилар олдида бу шунчаки хузурбахш меҳнат, шундай эмасми, азиз ҳамқишлоқ!

**Хадичахон КАРИМОВА,**  
Фаргона вилояти.



# BOZORLAR YANA EL XIZMATIDA

**К**оронавирус пандемияси туфайли эҳтиёт чораси сифатида карантинга ёпилган бозорлар аста-секин очилиб, "Отанг бозор, онанг бозор..." қабилида иш тутган ҳолда, Иштихон туманидаги "Шерхон-Давлатбек" номли савдо мажмуаси томон йўл олди. Мақсадимиз бозорларда санитар-гигиеник чоралар талабга жавоб берадими, нарх-наво аҳолига оғирлик қилмаяптими, бозорларимизда озиқ-овқат етарлими деган саволларга ҳолисона жавоб топиш эди.

Соат 8:30. Кун қиздиради. Одам гавжум. Шовқини ҳам ўзига яраша оломон орасида диққатимизни ниқоб таққан ва тақмаган одамлар тортиши тайин. Йўқ, ҳар тугул ниқобсиз одамларга кўзимиз тушмади. Савдо мажмуасининг кўча қисмидаги машиналарнинг тартибсиз териб ташланганини ҳисобга олмасан, дарвоза ташқарисига экилган гуллар одамнинг баҳри-дилини очади. Асосий кириш дарвозасида иккита йўлакчи туннел бўлиб, ҳар бир харидор, сотувчи бу туннелга "ташир" буюришга мажбур. Албатта, ўз соғлиги ва атрофдагилар саломатлигини ўйлаган киши учун бу муҳим. Аммо кириш дарвозасида иситма ўлчайдиган асбобни ҳам, масъул бўлган шифокорни ҳам учратмадик. Бозор ичкарасида одам гавжум. Кимдир харидор, кимдир сотувчи.

Одамлар кўзида дийдорга ташналик, соғинч ва оқибат учқунлари ёниб турибди. Расталар оралаб, аввало, деҳқоннинг баракаси бўлмиш

сабзавотларнинг нархлари билан танишдик. Картошка, пиёз ва бошқа полиз экинларининг нархи эл қатори, арзон нархларда сотилмоқда. Гўшт рас-тасида бақираётган қассоб эътиборимизни тортди.

– Янги сўйилган, маззасига жавоб, ёш ҳўкизнинг гўшти, канча тортай, ёғдан қўшайми? – деган қақир-қўшдан бошингиз гангиб қолади. Гўшт расталари гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда, сотувчи ва харидор ўртасидаги оралиқ масофа ҳам ҳисобга олинган. Гўшт сотаётган кексароқ қассобни суҳбатга тортдик:

– Шу бозорда ўттиз етти йилдан бери қассоблик қиламан, қизим. Ота



касб туфайли оиламни боқаман. Қизларимни ўқитдим, ўғилларимни уйли-жойли қилдим. Карантинга бозорлар ёпилгач, уч ой оилам билан дам олдик, дуо қилдик. Соғлиққа ҳеч нарса етмайди. Халққа хизмат, беминнат бўлиши керак. Ҳозир айнан карантиндан кейин гўшт сотиб олаётган харидорларга кўшимча 200-300 граммдан оғир қилиб гўшт тортаялми. Бозорларимизда ҳар доим тўкин-сочиндик бўлаверсин, – дейди Зокир бобо Ҳусанов.

Отaxonнинг сўзларидан кейин харидорларнинг ҳам фикрига қулоқ тутдик: – Карантин қоидалари юмшатилди, деб телевизор орқали эшитишим билан бозорлар очилармикан, деган савол хаёлимга келди, – дейди. – ўзини Мархабо деб таништирган аёл. – Тўй бошлаб кўйганман. 30 кишилик тўйлар жуда ихчам, исрофгарчиликсиз, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтаётган экан. Ўзим нафақахўрман. Иккита ўғил невараларим бор. Шуларни уйлантириш гарданимда. Шунга бозор оралаб, нархнаволарни билиб юрган эдим. Нархлар олдингидай, гўшт нархи ҳам ошмаган. Яна кўшимча бир марталик гўшлар берилаяпти. Бозордаги тартиб-қоидалар ҳам ўзгарган. Вирус ўлгур кетсин деб, тун-у кун дуодамиз.

Кийим-кечак, озиқ-овқат расталарида ҳам оралиқ масофага риоя қилинаётгани қувонарли ҳол. Бозор айланиб, иккинчи дарвоза ёнидаги кичик идорага кўзимиз тушди. Бозорком Шохида опа бир харидор билан қизгин

суҳбат қураётган экан. Улардан ҳам карантиндан кейинги қийнаётган вазият ҳақида сўрадик:

– Ўзбекининг бозори бор бўлсин, бозорлар очилади, деган хабарни эшитишимиз билан ўн кун давомида тайёргарлик кўрдик, иситма ўлчайгани буюртма қилганмиз. Биттасини носоғлиги туфайли ишлата олмадик. Лекин туннел қурилиб, аҳолига шароит яратилган. Савдо мажмуасига кириб-чиқаётган ҳар бир одам шу туннелдан ўтади. Ниқобсиз харидор сотувчиларни бозор худудига қўймаймиз. Ёнимдаги харидор синглимизни ҳам шу ниқоб тақмаганлиги учун койиб турган эдим, – дейди мажмуа директори Шохида Пулатова.

Чап томонда хона гуллари сотилаётган экан. Бозорда бироз камчиликлар кўзга ташланса-да, тартиб-интизом, нарх-наво ҳамда хушмуомала сотувчилар, самимий мулоқотлар кишини қувонтиради.

Йўл-йўлакай ниқобини даҳанига илдирганларга маслаҳат бераётган, оралиқ масофани сақламаган кишиларга ўз соғлиги ўзига кераклиги ҳақида гапириб, огоҳликка чорлаётган мутасаддиларни кўриб, бозорларнинг яна тўлиб-тошганини эътироф этишдан истиҳола қилмадик. Чунки ҳақиқатан ҳам баъзан йўлимиз, баъзан ишимиз тушиб борадиган бозорлардаги ички тартиб-интизом, санитар-гигиеник қоидаларнинг тўлиқ назорати ва амалиёти, озодликка риоя қилишнинг биринчи бош шартидир. Зеро, бугунги кундаги пандемия шароити ҳар бир миллат кишинини огоҳликка, озодаликка, соғлиқка бўлган эътиборга даъват қилмоқда десак, муболага бўлмайди.

**Чўлпоной АҲМЕДОВА,**  
Самарқанд вилояти.



– Кўшни, эшитдингизми, буюм бозорлари ишлаётган экан.

– Вой, ростданми, бунчалар яхши! Болаларимга ёзлик кийим-кечак, оёқ кийим олиб беришим керак эди, бозор ишга тушгани жуда яхши бўлибди-да.

– Карантин даврида буюм бозорларини ҳам роса қадри ўтди-да, одамзоднинг камии битмайди, уй-рўзгор, бола-чақа дегандек...

Автобусда суҳбатлашиб кетаётган бу икки аёл бири кўйиб, бири гапирар, юзларидаги ифодада бозорлар ишга тушганидан хурсандлиги билиниб турарди. Дарҳақиқат, пойтахтимиздаги баъзи буюм бозорлари жорий йилнинг 8 июнидан ишга тушди. Дизинфекция қилиниб, барча эҳтиёт чоралари кўрилган ҳолда харидорлар бозор ичига киритилмоқда.

– Бозорлар ишга тушаётгани яхши бўлди, – дейди икки аёлнинг суҳбатига қўшилган бир аёл. – Бўлмаса кўпчилик

## “BUYUM BOZORLARINI HAM QADRI O‘TDI”

пул топишга қийналиб қолармиди, дейман. Мени ўғлим ҳам бозорда оёқ кийим сотарди. Бозор ёпилгач, иши тўхтаб рўзгор тебратишга қийналиб қолди. Бекор ўтиролмади, ҳартугул интернетдан бўлса ҳам сотишга ҳаракат қилди. "Интернет магазин" барибир бозордек бўлмас экан, одамлар келиб кўзлари билан кўриб, кийиб талашиб, тортишиб, савдолашиб олганига нима етсин. Ишқилиб ўғлим ишлайдиган бозорлар ҳам очила қолса яхши эди...

Халқимиз учун буюм бозорлари тижорат учун ҳам, эҳтиёж юзасидан ҳам жуда зарурлиги рост, аммо бу вазиятда ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг соғлигини ўйлаган ҳолда йўл тутишни ҳам унутмаслигимиз керак.

**ВАСИЛА.**



# BAHTSIZLIKNING BOSHI – XUDBINLIK



Бир оиланинг уч ўғли, икки қизи бор. Уларнинг икки нафари ногирон. Сабаби, уларнинг ота-онаси опа-сингилларнинг фарзандлари. Айнан икки боланинг ногиронлиги – бахтсизлигига мана шу оналар – опа-сингиллар айбдор. Ана шу ота-онанинг оила қурган ўртанча ўғли 18,19 ёшли қизларини оралатиб турмушга узатди. Бу қизларнинг онаси қайнонасиникига яъни мен сизларга айтиб бераётган хонадонга меҳмонга келганида “қизларингизни бунча эрта турмушга бераяпсиз” дедим. Ушбу хонадоннинг келини яъни қизларнинг онаси: “Қизларни эр чиққанида узатганим яхши”, деб жавоб берди.

Хатто иккинчи қизига маблағ тополмай (эрининг иши юришмай) яна бутун оғирлигини қайнота-қайнонасига ташлаганидан ҳам хабарим бор. Шунда ўйлагандим: “Нимага булар кўрпасига қараб оёқ узатмайди, қизларини эрта эрга бергани етмагандай... яна ҳеч қандай тайёргарлик кўрмасдан шошиб турмушга узатишдан нима фойда деб”. Мана ордан тўрт йил ўтди. Аёлнинг катта қизи уч боласи, кичиги бир боласи билан ота уйига қайтиб келди. Катта қизининг эри тинимсиз калтакларкан, иккинчи қизининг эри ароқхўр, бола ногирон туғилгани учун қайнонаси ҳайдаб юборибди. Айни пайтда катта қиз уч боласи билан бувисиникида, чунки она билан қайтиб келган сингилни сиғдиришмабди. Энди савол туғилади: 22 ёшли аёлнинг уч боласи билан ҳеч қаерга сиймай қолишию бахтсиз бўлишига сабаб бўлган она, қизини эрта турмушга узатиб, орзу-ҳавас кўришга шошилиб, нега энди фарзандини кўчага ташлаб қўйди. Эртага қизи ёмон йўлга кириб кетса ким айбдор бўлади? Мана шу калта ўй аёлнинг аҳмоқона орзу-ҳаваси деб бугун тўртта неварани, икки қиз, икки куёв бахтсиз. Яъни тўртта неварани, икки қиз, икки куёв ўзаро ҳақ-ҳуқуқ талашади, ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлади.

22 ёшли келиндан – уч боланинг онасидан сўрадим:  
– Энди нима қиласиз, тур-

мушга чиқасизми?

Унинг жавоби шундай бўлди:

– Болаларим билан мени ким ҳам оларди?

Боши айланиб қайнонасиникига келиб қолган қизнинг онаси гапга қўшилиди: – Ҳа энди болалари билан эр олмаса биронтасига иккинчи хотин бўлар.

Мен:

– Агар бирор эркакнинг иккинчи хотин олишига биринчи хотини кўнмаса-чи?

Она:

– Айтиб ўтирадим, билдирмайди, бунақалар ҳозир тикилиб ётибди.

Бу аҳмоқ аёл – саккиз нафар одамни бахтсиз қилган аёл, камига қариган қайнота-қайнонасининг бошига ташвиш орттирган, икки қизининг қайтиб келиб ўтиришидан ўзича иснод қиладиган ва оқибатда на иши, на хунари бор қизини аросатга ташлаб қўйган она яна фарзандларининг бахтига чанг солмоқчи.

Иккинчи қизи ҳам ҳақиқий худбинликнинг қурбони бўлди. 18 ёшида онанинг орзу-ҳаваси деб ароқхўр йигитга турмушга чиқди. Ароқхўр йигитнинг худбин онаси туфайли ногирон фарзанд билан уйга қайтиб келди. Боласининг ароқхўрлигидан ор қилмаган қайнона, фарзанднинг боласи ногиронлигидан ор қилиб ҳайдаб юбориши адолатданми. Шу топда чет элнинг “Шер” номли фильми эса тушади:

Ҳиндистоннинг Калькуттасида туғилган камбағал беш ёшли болакай Сару бошқа поездга ўтириб йўқолиб қолади. Уни австралиялик эр-хотин Брайерлилар асраб олади. Уларнинг яна бир асранди Мантош исмли ўғли бўлади. Асабийлашганда бошига уриб қоладиган Мантош ота-онани жуда кўп изтиробга қўяди. Кунлардан бир кун Сару асраб олган онасига “бизни деб жуда кўп азият чеқдиларингиз, ўзингизнинг фарзандларингиз бўлганида ҳаммаса бошқача бўларди”, дейди. Шунда Сью Брайерли: “Менинг фарзанд кўришга имконим бор эди. Аммо мен айнан қийналган болаларни асраб олишни, уларга бахтли ҳаёт, бахтли оила ҳаёти қилишни истагандим, мен ҳозир ҳам қилган ишимдан афсусланмайман”, деб жавоб берди.

Ў-ҳў, бу аёлнинг олижаноблиги билан неварасини кўчага ҳайдаб юборган аёлнинг худбинлигини таққослаб бўлармикан.

Менинг эса қари чолкампирага ичим ачайди. Икки нафар ўзининг ногирон болалари, қайтиб келган неварасининг болалари, яна денг, руҳий хаста ўғлининг аёли томонидан ташлаб кетилган икки нафар боласи – неваралари. Руҳий хаста ўғлининг хотини ҳам шу оилага келанида 18 ёш бўлган, болаларининг каттаси олти ёш, кичиги тўрт ёшлигида бундай хаста эр билан яшамайман деб кетиб қолган. Мен холадан нега келиннинг болаларини олиб кетмаган десам, ҳола: “Ишлармиш, қолаверса болалари билан акаси, кеннояиси яшаётган ота уйига сиймасмиш”, деганди. Мана яна битта худбин, аҳмоқ она. Фарзандларини бир дунё муаммоси бор чолкампирага, руҳий хаста отага ташлаб кетган жоҳил она. Бу оиланинг бир-бирига занжир каби уланган жофеасини, бахтсизлигини кўраясизми. Барчасига аёллар сабабчи. Руҳий хаста ўғилни уйланса яхши бўлиб

Иккинчи қизи ҳам ҳақиқий худбинликнинг қурбони бўлди. 18 ёшида онанинг орзу-ҳаваси деб ароқхўр йигитга турмушга чиқди. Ароқхўр йигитнинг худбин онаси туфайли ногирон фарзанд билан уйга қайтиб келди. Ўз боласининг ароқхўрлигидан ор қилмаган қайнона, фарзандининг боласи ногиронлигидан ор қилиб ҳайдаб юборилиши ҳам худбинликнинг олий кўриниши.

кетар деб касалини айтмасдан яширинча уйлантирган она, 18 ёшли қизини жойи чиқди деб шошиб берган яна бир она, фарзанди бахтсизликка юз тутганида невараларини уйига сиғдирмаган она... Булар қандай оналар ўзи, булар ХУДБИН оналар. Худбинлик эса билимсизлик, маънавийтсизлик ортидан пайдо бўлади.

Уларнинг акси бўлган яна бир самарқандлик онаи билмаман. Беш нафар қизи бор. Аёлга ёшлигидан синфдоши кўнгил қўйган. Аммо давр тақозоси билан йигит ҳам дардини ҳеч кимга айтолмаган. Қизку умуман. Ҳаттоки йигит ҳам билмаган бу қизнинг ҳам унда кўнгли борлигини. Хуллас йигит бошқага уйланади, қиз отасининг дўстига келин бўлади. Аёлнинг яна бир орзуи ушалмаган, жуда билимли, жуда кўп китоб ўқиганига қарамай, уни олий маълумот олишига рухсат беришмаган. Яхши кўрган инсонига турмушга чиқмагани ва ўқийлмагани унинг икки армонига айланган. Қалбидаги орзусини фарзандларида кўриш ниятида ният қилган – “қизларимни ўқитаман”, “камбағал бўлса ҳам яхши кўрганига бераман”.

Қизларининг олди 24 ёшида, энг охири 28 ёшида турмушга чиқди. Бешовиям бахтли – камбағалми, ўқимаганими ўзлари хоҳлаганига турмушга чиқди. Куёвлари борки ўғилларидан зиёд. Куёвинг яхши бўлса қизингдан, келининг яхши бўлса ўғлингдан кўр дейишгани балки шудир.

Холадан сўрайман:  
– Қизларингиз ҳаётда қийналмаганими?

Онанинг эса жавоби шун-

дай бўлди:

– Улар барчаси мусофирчиликни, талабаликни бошидан ўтказди. Оқ, қорани таниди. Йўқчиликни кўрди. Оила қургач улар учун бу қийинчиликлар қийинчилик бўлиб кўринмади. Мухими 24 ёшдан 28 ёшгача оила қурармиканман, деган орзу билан яшади ва оилага кечроқ эришгани учун балки қадрига етгандир.

Айтмоқчи бўлганим 18-19 ёшда ҳам эрга тегиб жуда озчилик бўлсада бахтли бўлганлар бор. 24 ёшдан кейин турмушга чиқиб жуда озчилик бўлсада бахтсиз бўлганлар бор.

Яна айтмоқчиманки, фарзандларнинг бахтию бахтсизлиги аввало, оналарга боғлиқ. Она ҳар лаҳзада фарзандининг келгусида бахтли ёки бахтиқаро бўлиб қолиши ҳақида қайғурмас экан, сароб орзу-ҳавасларни деб биргина фарзанди ортидан дунёга келадиган бир неча болаларнинг, ўзганинг фарзандининг бахтсизлигига сабаб бўлади. Зеро, донишмандларимиз, бизга яхши оналарни беринг, биз дунёни яхшилаемиз, дейишганида қанчалар ҳақ эди.

Ҳеч қайси она фарзандининг бахтсиз бўлишини истамайди, дейишди. Исташ билан исташнинг ўртасида фарқ бор. Тафаккур қилиб исташ бошқа нарса, шунчаки исташ бошқа нарса.

Эрта қизларни эрга беришдан мақсад нима? Эрта буви бўлишми, хўш, эрта буви бўлдингиз ҳам дейлик, ҳаётингизда нима катта ўзгариш бўлди? Қизингиз озроқ шошмаганида яхшироқ оила чиқарди балки. Ўқитганингизда, хунар ўргатганингизда балки калтаклайдиган, ароқхўр эрга дуч келмасди. Ажрашган тақдирда ҳам ўз кунини ўзи кўриб кетарди. Қариндошлар орамиз бузилиб кетмасин деб ришталарни мустаҳкамламоқчи бўлишди. Ундан кўра бегоналар билан куда бўлиб қариндошлар сафини кенгайтириш афзал эмасми?

Яна ўша гап – келгусида худбин оналар кўпаймаслиги учун қизларимизни фақатгина бекаликка, келинликка, рафикаликка тайёрламайлик. Уларни дастлаб ҳақиқий оналикка тайёрлаш лозим. Токи бу ОНАлар юқорида мисол келтирганимиз “Шер” фильмидагидек ўзгаларга бахт бериш учун ўз ҳаловатидан кеча олсинлар...

Барно СУЛТОНОВА.

## ЭЪЛОН

Ташкент шаҳар Олмазор туманидаги 16-умумтаълим мактабидан Валиева Дурдона Тахировнага 1999 йилда берилган № 325008 серияли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Ташкент шаҳар Юнусобод туманидаги 63-умумтаълим мактабидан Миралиев Суръат Мирвалиевичга 1994 йилда берилган А № 527446 серияли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Ташкент шаҳар Юнусобод туманидаги 63-умумтаълим мактабидан Миралиев Суръат Мирвалиевичга 1996 йилда берилган УЗ А № 08 5554 серияли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.



# NOTO'G'RI TARBIYANING "MEVASI"

**Қоронғу хона бурчагида тиззасини кучоқлаб ўтирган болакай очликни умуман ҳис этмасди. Киприклари узун, оппоқ юзли қизалоқнинг ҳайрон бўлиб қараб туриши кўз олдидан сира кетмас, хаёлан у билан нималарнидир гаплашарди. Йўқ, у асло бу ишни қилмайди, ҳаммага қилса ҳам уларга қилолмайди. Ҳатто онаси умрбод овқат бермаса ҳам, очидан ўлса ҳам уларга тиланмайди. Шундай ўйлар билан ўтирар экан, бўлиб ўтган воқеалар кўз ўнгидан қайта гавдаланди...**

Болакай онаси билан бирга бозордаги ер ости йўлида тиланчилик қилади. Аёл бир чеккада ўтириб олиб, бева бечоралигини касалмандлигини, болаларини боқолмай қийнаётганини баланд овозда айтиб одамлардан садақа сўрайди. Болакай эса онаси ўргатганидек, бирга кетаётган ёш йигит-қизлар, қимматбаҳо кийинган кишилар эстагига осилиб, пул сўрайди.


Шундай кунларнинг бирида боланинг қалбида галати ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бунга ўша отаси билан кетаётган қизалоқнинг болакайга тикилганча киприкларини пирпиратиб қараб туриши сабаб бўлди. Ушанда болакай илк марта ўз ҳолатидан уяла бошлади. Қизчанинг олдига шу қилаётган ишлари жуда пасткашлиқдек туюлди. Кун сайин улғайиб келаётган ўсмир қалбида ғурур бош кўтарган эди. Тикилганча жим қараб турди. Шу пайт қизалоқнинг отаси ёнидан пул чиқариб узатди. Аммо бола боши билан, йўқ, керакмас ишорасини қилиб ортага тисарилди. Ерости йўлидан чиқиб кетгунларича қизалоқнинг ортидан термулиб турди. Қизча ҳам бир-икки марта ортига ўгирилиб қараб қўйди.

Шу воқеа сабаб бўлдию болакай одамлардан аввалгидек тиланмас, онаси жазолашидан кўрқиб, ўтган-кетганларга сўзсиз қўл узатарди-ю атрофга олазарак қараб қўярди. Ундаги ўзгаришни пайқаган онаси ҳар куни жазоплай бошлади. Овқат ҳам бермай уйга қамаб қўйди.

— Тиланасан, сени оч қолдириб тиланшига мажбур қиламан. Ҳали уяладиган бўлиб қолдингми, — дея дағдаға қиларди.

Болакай эса онасига бир сўз демас, одатий жойларига бориши билан

атрофга боқиб, таниш кизни излаб турарди. Ҳар сафар қиз ўтаётган пайтда у яширинар, ўзини кизга кўрсатмасликка ҳаракат қиларди. Боласининг бир неча кундан бери ўзгариб қолганининг асосий сабабчиси шу қиз эканини сезган аёл кечкурун ўғлини роса дўппослади. Бир културм сув ҳам бермай хонага қамаб қўйди. Бола эса калтақдан, очликдан кўра қандай қилса бу машамшалардан қутулишни, бошқалардек яшаш мум-



**“Йигит ёнидан пул чиқариб аёлнинг олдига ташлади-да, йўлида бепарво кетаверди. Мурғак қалбида эндигина куртаклаган ғурури очилмай поймол бўлган болакай сўнгги бор қизалоқнинг юзига қарашга ўзида куч топди. Ҳақиқатми ё унга шундай туюлди-дими кизнинг юзидатабассум зоҳир эди.**

қинлигини ўйларди.

— Бугун ўша қизнинг оёғига ётиб, отасидан пул сўрамасанг, мендан кўрадиганингни кўрасан, — деди эрталабдан “ишга” отланар экан аёл болани билагидан қаттиқ сиқиб. Бола оғриқдан юзини буриштириб, индамай онасига эргашди.

Зинадан таниш чехралар кўриниши билан бола ўзини панага олмоқчи бўлди. Аммо онасининг бақувват қўллари бўйнидан маҳкам қисиб унинг бошини қизалоқнинг оёқлари остига келтириб қўйди.

— Илтимос, — деди у “ўқсиб-ўқсиб йиғлаганча” қизалоқнинг отасига юзланиб. — Илтимос, шу етимчамни боқишга садақа қилинг, азбаройи касалмандлигидан ҳар куни ўрнини ҳўллаб қўяди. Даволатишга садақа қилинг. Худо йўлига ороқ ташлаб кетинг.

Йигит ёнидан пул чиқариб аёлнинг олдига ташлади-да, йўлида бепарво кетаверди. Мурғак қалбида эндигина куртаклаган ғурури очилмай поймол бўлган болакай сўнгги бор қизалоқнинг юзига

қарашга ўзида куч топди. Ҳақиқатми ё унга шундай туюлди кизнинг юзидатабассум зоҳир эди. У йўлида давом этар экан, узун-узун киприкларини пирпиратганча ортига қараб-қараб қўярди. Аммо болакай энди унинг ортидан термулиб турмади. Чунки мурғак қалбида содир бўлаётган галати ўзгаришлар батамом йўқолганди. Аммо ўрнини эгаллаган даҳшат энди болага онасининг чизган чизғидан чиқмаслиқни, сабр билан кутиш лозимлигини айтиб турарди. То умрининг сўнгига қадар қулоқлари остидан онасининг гаплари жанрлаб турди. Ҳатто жиноят содир этиб озодликдан маҳрум қилинганда ҳам болалиги, қизалоқнинг киприклари-ю онасининг “Азбаройи касалмандлигидан ҳар куни ўрнини ҳўллаб қўяди”, дег зорланиши уни таъқиб қилишдан бир лаҳза тўхтамади.

\*\*\*  
У озодликка чиқиб, тўғри онасининг ёнига борди. Етти йилдирки, боласининг дийдорига муштоқ кампир уни бағрига босмоқчи, юзларидан ўпмоқчи бўлиб яқинлашди. Аммо йигит онасини кўксидан итариб нари сурди ва жиркангандек афтини бужмайтирди.

— Шартмас, — деди кўзларини чақчайтириб, нафрат билан боқар экан. — Мен кетялман. Ўзи сизга айтиб ўтиришим ҳам керак эмасдику, яна излаб орган поранга бориб ишни белига телманг, деб айтялман.

— Қаерга кетялсан, ахир шунча кутганим каммиди. Қачон келасан. Мениям ўйлайсанми ахир, бир оёғим ерда бўлса, биттаси гўрда. Ёлғиз уйда ўлиб, нетиб қолсам, ким қарайди менга болам. Инсофнинг борми ўзи сен...

— Йўқ!!  
Тўхтамай жавраётган аёлнинг овозини ўглининг кескин оҳанг ва баланд овозда айтган сўзи ўчириб қўйди.

— Инсофим йўқ мени. Ғурурим ҳам йўқ. Сенга бошқа тоқатим ҳам йўқ. Ўласанми, қоласанми менга барибир.

Эшик тарақлаб ёпилди, аёл нимқоронғу хонада юм-юм йиғлаб қолаверди. Бу бир пайтлар ўзи етиштирган дарахтнинг меваси эди. Аёл бу меванинг аччиқлигига чидолмай йиғларди.

Иномхўжа РАҲИМХўЖАЕВ.

**Б**ундан неча асрлар муқаддам мутафаккир бобомиз Алишер Навоий қаламидан тўкилган ушбу мисралар то ҳануз аҳамиятини йўқотмаган, балки бугунги шиддатли замонамизнинг долзарб мавзусига айланган десак, хато қилмаган бўламиз. Замон билан ҳамнафас қадам ташлашга қодир, турли ахборотлар хуружга бардош бера оладиган авлоднинг улғайишида ақиб ўқишнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада эса Алишер Навоий бобомизнинг уммон қадар чексиз маданий мероси, ҳаёт йўли муҳим дастуриламал бўла олади.

Ўша даврлардаёқ Алишер Навоий ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратди. Мутафаккир болаларни илм-хунарни, меҳнатни севишга ундаб, ўрганилган илм ва хунарни халқ, ватан йўлида сарф қилиш зарурлигини уқтирди.

Алишер Навоий илм, маърифат ҳақида ажойиб фикрларни олға сурди. У ақл, илм

## “O'QIB O'TMAK, UQV O'TMAK SHIORI...”

инсоннинг энг гўзал ва зарурий фазилатларидан бири, ҳар бир кишининг энг муҳим бурчи илм олишдир, деб ҳисоблади. Навоийнинг фикрича, илм-фанни эгаллаш учун ёшлиқдан бошлаб астойдил ўқиш-ўрганиш керак: “Ёшлигинда йиғил билимни, қариган сарф қилгил ани”, деган шоирнинг ўзи ҳам жуда ёшлигидан таълим олади, ўқишга берилади. У ёшлигиданоқ кўп шеърларни ёд билган. Жумладан, Фариддин Атторнинг “Мантиқ ул-тайр” (“Куш нутқи”) асарини болалик чоғларидаёқ қайта-қайта ўқиб, ёд олган.

Алишер Навоий кейинчалик мактаб ва маориф масалаларига катта аҳамият берди. У меҳнатқаш халқ болаларини ўқитиш ва тарбиялаш учун мактаблар очиб ва мадрасалар қуриш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Алишер Навоий Астро-бодда сургунда юганида подшо Ҳусайн Бойқарога ёзган хатида ўғил ва қиз болалар

учун мактаблар очишни ташаббуслар қуришда ташаббус кўрсатгани бунинг яққол далилидир. Навоийнинг фикрича, мактаб халққа нур келтиради, унга тўғри йўл кўрсатади, болаларни билимли қилади. У ўзининг “Ихлосия” мадрасаси ёнида мактаб очиб, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун зарур шароит яратиб, бунинг учун лозим бўлган маблағ ажратди.

Навоий дарс берувчини қуёшга ўхшатади ва бу қуёш атрофидаги юлдузларга нур сочади, яъни ҳали илмдан беҳабар бўлган толибларга илм нуруни сочади, маърифат беради, дейди. Алишер Навоий таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини кўпроқ баркамол инсонни ифодаловчи ижобий образлар яратиш орқали баён қилади. Илм-маърифат, ахлоқ-одоб масалаларига доир фикрларини эса илмий-фалсафий ва дидактик асарларидан баён қилади. Навоий ақл кучига чексиз ишонади,

комил ишонч билан илм-фаннинг фазилати жуда катта, деб ҳисоблайди. Буюқ сўз санъаткори ва мутафаккири ўзининг бир қанча асарларида болалар тарбиясига оид фикрларини айтиш билангина кифояланиб қолмасдан, балки “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби дostonларининг бутун бир бобларини шу масалага бағишлайди.

Навоий донишманд ва мураббий, улкан маданият арбоби сифатида илм-фан, санъат ва адабиётнинг аҳамиятини тарғиб қилади, малакали, иқтидорли ўқитувчиларни, олимларни, шоирларни, санъаткорларни мактабда, уларни ҳурмат қилишга ва қадрлашга чақиради. Ўқиш ҳам, ўқитиш ҳам оғир ва масъулиятли иш, у кунт, ҳавас ва меҳнат талаб қилади, деб уқтиради Навоий. Бу ўринда у мураббийларнинг ҳалол хизматларини алоҳида таъкидлайди.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо ойнак ҳақин юз ганж ила.

Навоий қаноатли одамларни севади, уларга ҳаваси келлади. Кимки қаноатли бўлса, ундай одамни эл севишини, эъзозлашини таъкидлайди. Мутафаккир қаноатни бир булоққа — чашмага ўхшатади. Негаки булоқ сувни қанча олган билан қуримайди, у бир ҳазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруги иззат ва шавкат ҳосилини беради. У бир дарахтки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир.

Бир сўз билан айтганда, мутафаккир бобомизнинг ҳар бир асари, ҳар бир байти ёш авлодни комил инсон бўлишга чорлайди. Бу битмас-туганмас ҳазинадан нур ёки шуъла олиш эса ўз кўлимизда.

Сурайё РАҲАБОВА,  
Самарқанд шаҳридаги  
33-умумтаълим мактаб-бининг ўзбек тили фани ўқитувчиси.

# “QO‘L CHO‘ZISH”NI O‘R BILMAGAN ERKAKLAR...



**Б**ир куни курсдош дугонам ўртоғидан нолиб қолди: “Азиза йўлида нонга деб пул сўраган бир эркак кишига майда пули бўлмагани учун беш минг сўм бериб юборди, лекин у кишининг тўрт мучаси соппа-соғ эди”. Бундан ажабланиб, Азизадан бу ҳақда биринчидан, садақага муҳтож бўлмаган одамга эҳсон қилгани (зероки, тўрт мучаси соғ одам меҳнат қилиб, шу пулни топса бўлади-ку), иккинчидан, эркак кишига қиз бола бўла туриб, шу пулни нега берганини сўраганимда: “Билмадим, негадир Аллоҳ йўлида садақа қилинг, деганига қўлини қайтаргим келмади, бўлмаса кўнглим нотинч бўларди”, дея жавоб берди...

Шунда ўйланиб қолдим: у одам меҳнат қилишга куч-қуввати бор, эркак киши бўла туриб, қизи тенги бир ожизадан Аллоҳни ўртага қўйиб, нонга пул сўрашга ҳақлимикан? Бундайларга раҳимиси келиб, текинтомоқ “муҳтожлар” кўпайишига сабаб бўлмаяпмизми..?

Садақани аслида кимларга бериш кераклиги, “қўлини чўзган” ҳар бир кишига эҳсон бериш ҳам саваб бўлиши мумкинми ёки йўқ, қўл-оёғи бутун эр кишининг меҳнат билан эмас, тиланчилик ортидан кун кўриши унинг гурури, ор-номусидан мосуво бўлиши эмасми, ахир?

Бир неча кун ўйлаган саволимга жавобни ислом.уз сайтдан олдим. Сайт фойдаланувчиларидан бири кимларга садақа бериш жоиз экани билан қизиқиб, сайт маъмуриятига мурожаат йўллаган-да, дин пешволари қўлидагича жавоб берган: “Аллоҳнинг номини айтиб келганларни қуруқ қайтариб бўлмайди” деган гап ҳеч вақоси йўқ киши ҳақида айтилгандир. Бир кунлик таоми ҳам бўлмаган кишига тиланчилик қилиш жоиз. Бу албатта сотишга ҳам ҳеч нарса йўқ кишилар учундир. Ҳозирги кунда эса бундай кишининг ўзи йўқ. Уларнинг қилаётган ишлари ҳаром амал ҳисобланади. Шунингдек, уларга садақа берувчиларнинг амали ҳам ҳаромдир”.

Ҳеч эътибор бераяпсизми..? Охириги пайтларда атрофимизда шунчаки “қўл чўзмоқ” билан кун кўраётган инсонлар кўпайиб бормоқда. Уларни ҳар қадамда, ҳар ерда учратасан киши: бозор расталари ёнида, ер ости йўлларида, бекатлар ёнида ва ҳоказо... Аёлларнинг ёнига кичик гўдагини олиб, “шу муштилар боламнинг соғлиги учун садақа қилинг” дея, йўл ёқаларида туришига кўникиб қолдигу бироқ эркак кишининг нон учун, йўл ҳақи учун ўтган-кетгандан тиланчилик қилишига кўникиш у ёқда турсин, бу ҳолатни “ҳазм қилиш”га ям оғриняпмиз. Уйласак, ақлимизга ҳам сиймайдиган ҳолат, оёқ-қўлида мадори

бўла туриб, атрофидигилардан пул олган эркак, ўзи пул садақа олиб, гурурини текинга бериб юборган пасткашдай гап. Бундайларга нима деб сўз айтмоққа, қайси таъриф билан “эътироф этишга” тилимиз, ақлимиз ожиз...

Текинхўр “тиланчи” ниқоблилар ҳақида эшитсанг бир гап экану ундайларга дуч келсанг, гадоё билмас сўзини эшитсанг бошқа гап экан: Икки курсдош дугонам билан метродан чиқиб, ўқишга шошиб кетяпмиз. Ёнимиздан ўтган бир кишининг биздан ўтиб, бир одим ташлар-ташламас “синглим” деган қақриқ овози сабаб йўлимиздан тўхтаб, ортага қарадик. Туппа-тузук кийинган, соппа-соғ 30-35 ёшлардаги эркак уялмай: “Илтмос, йўлқирамга озгина пул беринглар, пулим қолмади”, деса бўладими? Пул бериш у ёқда турсин, бир оғиз сўзимизни ҳам садақа қилишга ор қилиб, йўлимизда давом этдик...

Эркакни аёлдан устун қилиб турадиган хислат гурур деб ҳисоблайдиган бўлсак, бундай эркакларни “эр киши” дейишга ҳам тил бормади. Яна келиб-келиб, аёл кишидан кўзига тик қараб, “йўлқирамга пул қолмади”, “нон сотиб олишим учун пулим йўқ” дейдиганларни ер қандай кўтариб юрган экан, дея ўйлаб қоласан. “Йўлқирага пулинг бўлмаса, оёғинг бор, пиеда кет”, “Ейишга нонинг бўлмаса, гуруринг сабаб сабр қил, номардлингнг эвазига келган лўкма томоғингдан қандай ўтади”, дея гапиринг, дилингдагини тилингда чиқаринг келадди. Бироқ бундан наф бормикан? “Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас” деганларидек, бундайларга гап кор қилиши лозим эмасдай. Белида қуввати бор, меҳнат қилгулик кучи бор эр қайси юз билан аёли олдига “тиланчилик” билан топилган пулни олиб боради..? Фарзанди “ўйинчоқ ёки музқаймоқ олиб беринг” деганида қайси пулига сотиб олади? Яна ўша бировлар берган садақа пули “дардига дармон бўлиши”, шубҳасиз. Эркаклик орини текинга сотаётган “тиланчилар” ҳолига даво бормикан? Ёки “буқрини гўр тузатиши” ҳақиқатми..? Минг қилганда ҳам ўғри аввалдан ўғри, беҳаё туғилгандан ҳаёсиз бўлиб дунёга келмайди. Оиладаги мухит, атрофидаги инсонлар, турмуш тарзи уни тарбиялаб боради. Аёлнинг қўлига қараб қолган эркакнинг фарзандлари ҳам ота изидан боршидан Худо асрасин. Ҳеч бўлмаса, ота беролмаган тарбиянинг кам-кўстини она тўғирлаб кетса, балким фарзандлар бу одатни ўзларига касб қилиб олмас.



Ҳеч эътибор бераяпсизми..? Охириги пайтларда атрофимизда шунчаки “қўл чўзмоқ” билан кун кўраётган инсонлар кўпайиб бормоқда. Уларни ҳар қадамда, ҳар ерда учратасан киши: бозор расталари ёнида, ер ости йўлларида, бекатлар ёнида ва ҳоказо... Аёлларнинг ёнига кичик гўдагини олиб, “шу муштилар боламнинг соғлиги учун садақа қилинг” дея, йўл ёқаларида туришига кўникиб қолдигу, бироқ эркак кишининг нон учун, йўл ҳақи учун ўтган-кетгандан тиланчилик қилишига кўникиш у ёқда турсин, бу ҳолатни “ҳазм қилиш”га ям оғриняпмиз.



Баъзи бир тўрт мучаси соғлар бир ишни урдасидан чиқмай, имконсизлигидан нолиб, тиланчиликни касб қилса, шундай одамлар борки, имконияти чекланган бўлса-да, ўзгаларнинг ва ўз ҳаётининг гўзал ва мазмунли бўлиши учун ўзлари имконият эшиқларига қалит қидирадилар. Биз ОАВ орқали, ёки ўқишда, ишда, атрофимиздаги одамлар орасида қўли ёки оёғи туғма хаста бўлишига қарамай, ўзи севган соҳада фидоийларча фаолият кўрсатаётганларни учратганмиз. Самарқандлик Зухра Усмонова ана шундай ўрнак олса арзигулик шижоатли юртдошларимиздан бири. Унинг болалигидан бош мия фалажи сабаб қўллари ҳаракатсиз қолган бўлса-да, рассомчиликка бўлган қизиқиши оёқлари ёрдамида тасвирлар чизиш қобилиятини инъом этди. Ҳеч вақт “расм қўлда чизилади, менинг қўлларим

**Туппа-тузук кийинган, соппа-соғ 30-35 ёшлардаги эркак уялмай: “Илтмос, йўлқирамга озгина пул беринглар, пулим қолмади”, деса бўладими? Пул бериш у ёқда турсин, бир оғиз сўзимизни ҳам садақа қилишга ор қилиб, йўлимизда давом этдик...**

эса ҳаракатдан тўхтаган” дея иддао қилмаган қиз бир он бўлса-да, ҳаракатдан, ранглари оламига шўнғишдан толмайди.

“Инсон ҳар лаҳзасини кадрлаши керак. Мен ҳар бир сониямдан унумли фойдаланаман. Ҳар дақиқа бизга берилган имкон. Улар қайтиб келмайди. “Қила олмайман” деган сўзни айтманг. Узингизга ишонинг ва албатта ўйлаганингизни амалга оширинг. Мен бошқалар каби эмасман, аммо бу бошқалар каби яшашимга ҳалақат бермайди”, – дейди ёш мусаввир.

Бундан бир неча йил олдин ҳам икки оёғидан айрилган бир эркакнинг қосиблик билан рўзгор тебратишини эшитгандим. Беш нафар фарзандини ўқитиб, уларга ҳалол едириб-ичирган отадан ўрнак олса арзигулик. Ҳунар ортидан кам-кўстини тўлдирган бу инсоннинг фарзандлари ҳам ота изидан боришига шубҳа йўқ. Ахир, “қуш уясида кўрганини қилади-да”.

“Изолаган имкон топар” деган нақл бежиз айтилмаганлигига яна бир бор иқдор бўлдик. Бир қарасанг, ҳамма нарсанинг имкони бордай, фақат бунинг учун сабр ва ҳафсала бўлса етарли. Имконияти чекланган инсонларнинг ҳаракатдан тўхтамасликларига гувоҳ бўлиб, шуни айта оламизки, тўрт мучаси соғлом инсоннинг тиланчиликни охириги имкон деб билиши, ношукурлик ва дангасалиқдан ўзга нарса эмас.

Сўзимиз охирида шуни айтмоқчимизки, қўлингиз, оёқларингиз бутун, Яратган уларни ҳаракат учун, меҳнат учун инъом этган, дангасалик, ношукурлик қилиш учун эмас. Қўлингизда имкониятингиз борми? Демак, сиз энг бахтли ва бой инсонсиз... Шуни унутманг, ҳаёт излаганга имкон беради, осмондан “олма тушишини” кутганга эмас...

Маҳфуза ПҮЛАТОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси.

# ONAMNING DIYDORI

“Илоҳим, олганинг олтин бўлсин, фарзандларингни роҳатини кўргин, болам!”, – дея ҳар гал қишлоққа борганимда дуо қилиб кутиб оладиган онам бу гал негадир менга пешвоз чиқмади. Укам ва келиним билан саломлашгач юрагим ҳаприққанча “Онам қанилар...?” – дея сўрадим безовталаниб.

Улар бир-бирига маъноли қарашиб, хавотирга ўрин йўқлиги, онамнинг Қарши шаҳридаги онкология шифохонасида даволанаётганини айтишди. Бу хабардан хушимдан кетиб йўқилай дедим. Бир лаҳзада онамнинг бу қадрдон уй файзини йўқотгандек туюлди гўё. Аслида мени бу маконга етакловчи соғинчу интизорлигим аввало, ота-онам борлиги учун, сўнг бошқа яқинларим учунлигини, дийдорга етакловчи сабаб ҳам отамнинг вафотидан сўнг онажоним эканлигини ҳис этиб, қалтираб кетдим.

Уч ой аввал қишлоққа борганимда онамнинг чап кулоғи остида пайдо бўлган бодомдеккина безни кўриб: “Она, буни тезда даволатишимиз керак, яна катталашиб кетмасин!” дея хавотир олганимда, онам: “Қўй болам, оғриб безовта қилаётгани йўқ, шу кичкина безни деб қариган чоғида танамга тиг теккизаманми?” – дея унамаган эди оназорим. Ойлар ўтиб, оғриқ кучайганидан сўнг укам онамни вилоят марказидаги касалхонада даволанишга кўндирибди. Онамнинг ўша ерда даволанаётганини эшитгач энди уйга кирган бўлсам-да, укамнинг: “Она, эртага бирга борамиз” деганига қарамай, онамни холидан хабар олгани отландим.

Шаҳрисабз билан Қаршининг ораси бир соатлик йўл. Агар тезроқ манзилга етиб олмасам, шифохонани кидиришга ҳам вақт кетади.

Ҳайтовур таксига одам тўлгач машина ўрнидан кўзгалди. Йўлда оназоримнинг мунгли чехраси, қариганда торгаётган азобини ўйлаб, кўзларимдан ёш оқаверди. Мунисамнинг умр бўйи биз – саккиз фарзандни оқ ювиб оқ тарагани, машаққатли меҳнатлари, кечирган азоб-укубатлари, ҳар биримизга қаттиққўл отамнинг олдида қалқон бўлганлари ҳақида ўйлаб, кўнглим тўлиб, юрагим ларзага келди.

Фарзандлар гўё кабутардек экан. Воёга етгач орзу-мақсадлари сари таппиниб, ўз йўлимиздан кетдик. Яхшиямки, онамнинг олдида кичик укам ва келин гирдиқалпалак. Биз уч нафар қиз эса, ўқишни битиргач, палахмонтошидек узатилиб кетдик. Акам оиласи билан бошқа шаҳарда яшайди. Укаларимнинг иккитаси қишлоқда алоҳида ҳовли-жой



“  
Онамнинг сўзларидан кўнглим бироз жойига тушса-да, мени аяб “оғримаяпти” деяётганини билиб турардим. Барибир она – она экан-да. Оналар ҳеч қачон фарзандларини озор чекишини, уларга ташвиш келтириши истамайдилар. Чақмоқ урса ҳам “мени урсин” дейди оназорлар.

қилишган. Онам қариганда, айни роҳатимизни кўриш ўрнига хасталикка чалиниб, меҳр-муҳаббатимизга муҳтож бўлиб, йўлимизга интиқ ўтирганини ўйлаб, бўғзимга нимадир тиқиларди. Шу лаҳзада волидамнинг кичкина жуссаси, иссиқ бағрини ҳис этарканман, “Онажон, умр бўйи тиним билмадингиз.” – дея гойибона уни саволга тутаман.

Аслида келинлардан ҳам гина йўқ. Улар ҳам “рўзгорим, болам-чақам” дея эрта тонгдан шом қоронғусигача тандир-ўчоқ, қўй-қўра, супур-сидирдан бўшашмайди. Қушда тиним бўлса-бўладики, уларда тиним бўлмайди. Буни уйга борганимда кўриб, ҳис қиламан.

Онам ҳар борганимда ё сабзи тўраб ёки бирор иш билан машғул бўлиб ўтирган бўлади. Шунда унга “Нега қарилки гаштини сурмай, гимирлайверасиз, келинингиз борку, ахир ўтирсангизчи, деганимга жавобан: “Болам, келинга ҳам осон эмас. Мол-ҳола қараш, пишир-қуйдир, болаларни эплаш, ювиб-та-

раш ва томорқада ишлашни ўзи бўладими? Бунинг устига менинг ҳам ош-овқатим, иссиқ-совуғимга қараяптику, барака топкур! Бориға шукур. Унинг жони ҳам ўнға эмас-ку? – дея келинга жони ачишида ҳам меҳр уфуриб турганини ҳис этардим.

Хаёллар гирдобда қоронғу тушиб, Қарши шаҳрига етиб келганимни ҳам сезмай қолибман.

– Ох, онажон, ишқилиб дардингиз тузаладиган дард бўлсин-да, – деган нидо билан одамлардан шифохона манзилини суриштира бошладим.

Шифохона эшигидан кирарканман, хавотирим ортаверди. Юрагим ҳаприқиб ичкарига қадам босдим. Ҳамширадан сўраб, онам ётган хонага қадам кўрарканман, оппоқ мато билан юзи ва бўйни боғланган оназорим кўзини юмиб ётарди.

– Она, мен келдим, – дея унинг ажингли, озғин кўллари қалқитганига олдим.

– Эсон-омон етиб келдингми болам?

Тан-жонинг соғми, набираларим омонми?, – деди мунисам худди ҳеч нима бўлмагандек.

– Бизни кўятуринг, ўзингиз тузукми-сиз? Ҳеч ерингиз оғримаяптими? Нега ҳамма ёгингиз боғлиқ?

– Кеча омон бўлгур дўхтирлар безни олиб ташлашди. Барака топишсин, яхши даволашяпти. Нега хавотир оласан болам? Укаларинг хабар олиб туришибди. Оғриқни билдирмайдиган укол қилишди, кесганда оғримаяди ҳам. Энди бироз оғриаяпти, холос...

Онамнинг сўзларидан кўнглим бироз жойига тушса-да, мени аяб “оғримаяпти” деяётганини билиб турардим. Барибир она – она экан-да. Оналар ҳеч қачон фарзандларини озор чекишини, уларга ташвиш келтириши истамайдилар. Чақмоқ урса ҳам “мени урсин” дейди оназорлар. Шунинг учун ҳам донолар “Жаннат – оналарнинг оёғи остида”, дея бежизга айтишмаган.

Она-бола бироз гаплашиб ўтирдик. Онамга бир лаҳзалик меҳримни инъом қилиб, овқатлангирдим. Ушга кеча онамнинг олдида қолдим. Унинг меҳру муҳаббати, дардга малҳам дийдоридан бахраманд бўлдим. Эрталаб бўли шифокоридан қўйилган ташхис ва ўтказилган жароҳлик амалиёти ҳақида билиб олдим. Онамга яхши қарашларини қайта-қайта илтимос қилдим. Кетиш олдида волидамнинг дори хиди анкиб турган юзи, териси салқиб қолган кўзларидан ўпарканман, айрилиқдан кўнглим бузилди. Қачонларди ёшлик қилиб сезмаган, баъзан қаттиқ гапириб дилини оғритган мунисамнинг туганмас меҳр-муҳаббатга йўрилган муаттар ҳидини, оналик меҳрини туйиб хайрлашдим. Хайрлашув аччиқ ва азобли эди. Юрагим гўё онамнинг олдида узилиб қолганди.

Пойтахтга, фарзандларим бағрига қайтар эканман, кўзларимдан сизаётган айрилиқ ёшларини тўхтатолмасдим. Мени камтарона масофир ҳаётим, қадрдон ишхонам ва икки дилбандим интиқ кутаётган эди. Ҳа, ҳаёт кутишдан ибрат эди гўё.

Ушанда илк бор онамнинг борлиги туйғули борлигимни, яшаётганим ва ижод қилаётганимни, барчаси оназоримнинг мени дунёга келтиргани, меҳру соғинчлари маҳсули эканлигини англадим. Шунда оналарнинг борлиги учун соғинчларимизнинг тоза ва қайноқлигини, оғриқларимизнинг ҳақиқатлигини, яшамоқлик бахти ва тирикликнинг улғу неъмат эканлигини англадим...

Марям АҲМЕДОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## FARZAND TARBIVASI MAS'ULIYATLI VAZIFA

Юксак иморатлар қуриб, ундан завқланган усталарга қараб ҳавас қиламиз. Кўксига шода-шода нишонларни тақиб олган спортчи йигит-қизлар Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтаратганидан фخرланамиз. Ана шундай юрт эртаси учун, номини дунёга танитиш учун заҳмат чекиб ғалабадан, меҳнатдан гишт қўяётган бунёдкор ёшлар орамизда кўпчиликини ташкил этади. Аммо вақтини бекорчиликка сарфлаб, ёшлигини елга совраётган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас.

Атрофига ўзига ўхшаган бир неча болаларни йиғиб тамаки чекиш, ичиш каби эгри йўлга қираётганларнинг ҳам асарияти ёшлар орасида учрайди. Бу йўлга улар кеча ёки бугун кириб қолгани йўқ. Болалиқданок тарбия тизгинининг бўш

қўйлиши бундай иллатларга замин яратади. Ким биландир муштлашса, ундан бутун маҳалла болалари қўрқиса ўзини “зўр” деб ўйлайди, гўё унга ҳамма ҳавас қилаётгандай. Ҳаттоки, уларнинг маълум худудда “лақаб”лари ҳам бор. Бу менга

хорижий фильмлардаги жиноятчиларни эслатади. Ана шундай ёшлардан бири билан суҳбатлашдим. Унга атрофдаги тенгдошлари каби ютуқларга эришишни истамайсамми деганимда “хохлайман, аммо буни иложи бўлмайди, деб ўйлайман, спортга қизиқаман, аммо келажақда ким бўлишимни билмайман” дея жавоб берди. “Бола онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди” деган гап бежизга айтилмаган, ота-она, маҳалла ва атрофдаги воқеалар унга таъсир қилган. Негадир, ҳозир ота-оналар тарбияни ҳам мактаб зиммасига юклаб қўйишмоқда. Тўғри, мактаб маълум тарбияни бериши мумкин, аммо унинг асосий жиҳати таълимда ҳисобланади. Оиладагина

бола мукамал тарбия олади. Ўғли билан ёқалашган дўстини уришиб, уриб, “рўйхатга” олиш эмас, фақат тўғри тарбия бериш билан йўлга солиш мумкин. Ҳар бир оиланинг тарбия усули бор. Кимдир боласини ширин сўз билан тарбияласа, яна бошқалар бу фойдасиз усул, дея ҳисоблашади. 80 ёшни қаршилаган, жомнамизнинг нуроний отахонларидан бири бола тарбияси ҳақида шундай дейди: “Тарбияга эътибор оиладан бошланади. Фарзанднинг тарбияли бўлиши учун аввало, ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши лозим”. Демак, боланинг камолоти учун ҳаммадан кўра, кўпроқ ота она масъуллиги асрлар синовидан ўтиб келмоқда.

Қамола АДАШБОЕВА.

# BOLANI KALTAKLAB TARBIYALASH TO'G'RIMI?

**Б**ир она ҳеч қачон фарзандини калтакламасликка аҳд қилади. Лекин шунга қарамай, бир куни ўғлини ноҳўя ҳаракати туфайли жазоламоқчи бўлади. Она фарзандига кўчадан бир неча чивик олиб келишни буюрган. Бола узоқ вақтдан сўнг кузи ёш билан келган. Фақат кўлида чивик эмас, тош кўтариб олган. Онаси ҳайрон бўлиб, тошга қараса, бола йиғлаб: «Чивик топа олмадим, лекин мени жазолашингиз учун шу тошни тополдим», деган. Шунда она ушбу ҳолатга боланинг кўзи билан қараган.

«Онам менга оғриқ келтирмоқчи бўлса, нима фарқи бор, қандай йўл билан унга эришади, чивик билан урадимми ёки менга тош отадими...» Шунда она йиғлаб юборади. Ким боласига тош ота оларкан? Унда чивик билан уришнинг тош отишдан нима фарқи бор?

Машҳур болалар ёзувчиси Астред Лингред болалар ҳимоясига бағишланган нутқида шу ҳикояни айтиб ўтган. Мазкур нутқдан сўнг 1979 - йилда Швеция биринчи бўлиб болаларни оилада уришни таъқиқловчи қонун чиқаради.

Юқоридаги ҳикоя ҳар кимда ҳар хил фикр уйғотган бўлиши табиий: кимдир "боласини чивик билан ура олармикан" дея кўзига ёш келгандир, яна кимдир "нима қилибди, болани жазоламасдан тарбиялаб бўлармикан", дея уни оқлагандир. Албатта, ҳар кимнинг ўз хулосаси бор, ҳар бир ота-онанинг тарбия усули. Бугун суҳбатимиз айнан болани калтак ёрдамида тарбиялаш хусусида боради.

**Ислом Сайфиев:**

— Усмир вақтимда маҳалламизнинг йигитларига қўшилиб сигарет чекканимда дадам билиб қолиб, роса калтаклаган. Кейин олдиларига ўтқазиб насиҳат қилганлар, келажакда яхши одам бўлишим учун кўп ўқишимни, ноҳўя ишлар билан шугулланмаслигимни таъкидлаганди. Ушанда ўзимдан жуда уялиб кетдим, дадамга ваъда ҳам бердим. Ҳозиргача ўша еган калтагимнинг таъми, берган ваъданинг кучи ёдимдан чиқмайди. Дадамга кўп раҳмат айтаман. Ушанда улар мени уриб йўлдан қайтармаганларида, билмадим қандай одам бўлар эдим. Менинг фикримча ҳеч қайси ота-она фарзандини ёмонлик истаб урмайди (бирор жойини майиб қиламан демайди), одам бўлсин, юзимни ерга қаратмасин дейди. Шундай экан еган калтакларимдан розиман, ота-онам мендан рози бўлса бас.

**Болалар психологи Алишер Носиров:**

— Боланинг ҳамма хислатлари оилавий муҳитда шаклланиб боради. Оила бошлиғи ўзини тутиши, турмуш ўртоғи ва фарзандларига меҳр кўрсатиши, муомаласи ва бошқа хислатлари орқали фарзандларига психологик таъсир ўтказади. Унда шаклланаётган характер ва хислатларга ҳисса қўшади. Аксинча бўлиб, ичадиган, рафиқаси ва болаларига қўл кўтарадиган ота боласининг келажакга, унда тажоввузор хислатлар пайдо бўлишига сабабчи бўлади.

Бундан ташқари, "фарзандимга тарбия бераман" дея, уни калтаклаётган ота ёки она боланинг нозик қалбига ноҳақ озор етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши керак. Уни кўрқитиб қўйиш мақсадида қўл кўтариб, ўзингиздан совутишингиз мумкин. "Болам гапларимга қулоқ солсин, ҳамма айтганимни қилсин" дея уни уришингиз шарт эмас, ҳурматга ширин сўз билан эришса ҳам бўлади.

Фарзандингизга шундай меҳр кўрсатингки, у сизни хафа қилиб қўйишдан кўрқсин, уни яхши кўришингизни ҳар куни такрорлаб бағрингизга босинг, сизни яхши кўрганлиги учун ҳам гапларингизга қулоқ

солсин. Ота-она бўлишнинг ҳам ўз қоидалари бор, тарбия бермоқчимисиз, аввало меҳрли, сабрли бўлинг.

Мутахассисларнинг фикрича, болани калтак ёрдамида жазолаб тўғри йўлга

солиб бўлмайди, фақат яхши тарбия болага ёрдам беради. Болани урганда, бола кучли бўлса, у ваҳший бўлиб улғаяди, агар бўшроқ бўлса, у ҳолда уятчан, тортинчоқ, камситишларга бепарқ инсон бўлиб етишади. "Биз ўзбекларда менталитет тушунчаси бор, шунинг учун чет элликлардан кескин фарқ қиламиз, ҳатто фарзанд тарбиясида ҳам. Ҳали эсини танимаган 4 -5 ёшли болани уриб тарбия қиламан дейиш хато, аммо бугунги замоннинг ёш оналари бироз асабий. Боласини бор кучи билан савалайди, жаҳли устунлик қилиб кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Биз ҳам она бўлганмиз, лекин жигарбандимизга жонидан ўтиб кетадиган даражада озор етказишни ўйламаганмиз. Урганда ҳам болани бошига эмас, орқасига шаппатилаб аста уриб кўярдим", дейди Раҳима ҳожи ая.

"Ота-онага маслаҳатлар" китобида ёзилишича: Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ҳар бир фарзанд аспиди исломий фитрат билан туғилади, сўнгра ота-оналарнинг таъсири билан яхудий, насроний ёки мажусий бўлиб етишади", дея марҳамат қилганлар.

Етти ёшгача болада "гўдаклик" даври ҳисобланади. Бу даврда ота-она боланинг саломатлиги учун масъулдир. Уни кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа барча зарурий нарсалар билан таъминлайди.

Болага асл тарбия 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган "болалик" босқичида берилади. Ота-она вазифаларини сидқидилдан бажариши, айниқса, бу даврда катта аҳамиятга эга. Бола бу босқичда тақлидчи бўлади, ота-онасидан, атрофдагилардан ўрнак олишга интилади, уларга тақлид қилади.

14 ёшдан сўнг болада "ёшлик" босқичи бошланади. Бу даврда фарзанднинг вужуди камол топади, тани қувватга тўлади.

Сўнгра "навқиронлик" даври бошланади. Илк икки даврда унга берилган ва олган тарбия, агар у тўғри берилган бўлса етук инсон бўлиб етишиши шубҳасиз.

**Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

**Oila va jamiyat**

Ижтимоий-  
сиёсий,  
маънавий-  
маърифий  
газета

Обуна индекси – 176

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

**МАНЗИЛИМИЗ:**

Тошкент – 100000.  
Амир Темури кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 636. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2303. Ваҳоси келишидан нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов  
Мусахҳих: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5